

84(7441)

M75

Буюк муҳаббат
макр ва хиёнатни сукут билан кузатади.

Дафна дю Морье

РЕЙЧЕЛ

84 (7АНГЛ)
М75

Дафна дю Морье



РЕЙЧЕЛ



4

Nizomly nomidagi
TDFU
axborot-resurs
markazi

У-0317/4



ЯНГИ АСР АВЛОДИ

УЎК: 821.111-32

КБК: 84(7Англ)

М – 75

дю Морье, Дафна

Рейчел: роман / Дафна дю Морье. Таржимон: Г.Раҳмон.
– Тошкент: Янги аср авлоди, 2022. – 96 б.

ISBN 978-9943-20-923-7

Асар бош қаҳрамони Филипп ота-онадан жуда эрта қолган, аммо яқин қариндоши – катта мулк эгаси бўлган Амбруз Ашлей қарамоғидаги балоғатга етган йигит. Ўз дунёси, оиланинг ёзилмаган қоидаларига кўра, сулола вакиллари аёлларсиз яшашни ўзлари учун тўғри қарор деб билишади. Қарори шу даражада қатъийки, қариндошлар, аёллар ҳақида мутлақо билишни, ҳатто эшитишни истапмайди. Ва табиийки, ожиза деб таърифланган жинс вакилларининг қанчалар ҳийлага қодирлигини тасаввур ҳам қилишмайди.

Муҳаббат бўлиб кўринган туйғу доим ҳам инжа ҳислардан иборат эмас. Бу гапнинг қанчалар ҳақиқат эканлигига мазкур асар мутолаасидан кейин яна бир бор амин бўламиз.

Нафсига эрк берган, аслини маъсумалик ортига бекитган аёл пировардида фожиага рўбарў бўлади, бу, сўзсиз, адолат тантанасидир. Зеро, эзгулик ҳеч қачон йўқликка маҳқум бўлмайди!

УЎК: 821.111-31

КБК: 84(7Англ)

Инглиз тилидан
Гулнора РАҲМОН
таржимаси

ISBN 978-9943-20-923-7

© Дафна дю Морье, «Рейчел». «Янги аср авлоди», 2022 йил.

Ҳаётӣ ҳикоям

Ота-онам дунёдан жуда эрта – икки ёшлигимда оламдан ўтган. Шунинг учун уларни эслай олмайман. Аввал отамдан айрилганман. У 1815 йилда Франция ва Англия урушида – Француз аскарларига қарши жангда ҳалок бўлган. Онам эса уруш тугагандан сўнг кўп ўтмай вафот этган. Мен ўзимдан йигирма ёш катта бўлган бўлам – Амброуз Ашлейнинг қарамоғида қолганман.

Амброуз мени худди ўз боласидек парвариш қилган. Бу ёруғ жаҳонда ҳеч кимни унингдек яхши кўрмаганман. У уйланмаган, бадавлат ва ёлғиз киши бўлиб, Англиянинг ғарбий қисмида, денгиз бўйидаги катта боғ ўртасига қурилган, чиройли уйда яшарди. Теварак-атрофдаги ҳосилдор ерлар унинг ота-боболари – Ашлейлардан мерос эди. Уй жуда чиройли, асл деворий суратлар, қимматбаҳо буюмлар билан безатилган, китоб жавонлари ҳам нодир асарларга тўла бўларди.

Бўлам шоҳона ҳаёт кечираётган сахий инсон эди, десам, янглишмайман. У ишбилармон киши

эмасди. Аммо у боғларида, ҳосилдор ерларида ишлайдиган барча ишчиларни номма-ном билар, уларга ҳамиша шафқат кўзи билан қарар ва ғамхўрлик қиларди. Айни пайтда Амброузга хизмат қиладиган ишчи-хизматчилар ҳам уни менадан кам севмасдилар.

Бўлам ўзи тортинчоққина бўлса ҳам, ундан доим хилма-хил қизиқарли ғоялар чиқарди. У мени ҳам жуда авайлаб ўстирар, тарбиямни тўлиқ назоратга олган бўлиб, ўзига ёрдам бериши учун бирор бир аёл хизматчи ёлламаган эди.

У яқин атрофдаги катта ҳовли-уйларда яшаётган барча бадавлат қўшнилар билан доимо дўстона муносабатда бўлар, кўпчилик Амброузнинг ҳаёт тарзини тушунмас, шунга қарамай, барибир уни яхши кўрар эдилар.

Мен улғайганим сайин унга ўхшаб борардим. Билмаганлар бизни ака-ука деб ўйлашарди. Иккаламиз ҳам тортинчоқ, бўйларимиз баланд, қўлоёқларимиз узун ва бир хил ўлчамдаги пойабзал киярдик. Сочларимиз тўлқинсимон, фақат уники меникига қараганда қорароқ эди. Хуллас, биз ҳар томонлама ўхшар эдик.

Биргаликда яқин орадаги далаларда, дарахтзорларда от чоптиришни яхши кўрардик. Ҳаво яхши бўлган пайтлари денгизга қайиқ солиб, балиқ овлардик. Ёки қирғоққа яқин жойларда ким ўзарга сузардик. Бўлам уйга аёл хизматкор олгиси келмас, уйимда аёл зоти ўралашиб юришини истамайман, дерди доим. Унинг фикрлари мен учун тўлиқ ҳақиқат бўлиб туйилар, ўсиб борганим

сайин ҳар бир гапига қўшилардим. Амброузнинг бу ҳашаматли ва чиройли уйи ҳамиша ҳам жуда озода бўлавермасди, шунга қарамай, иккаламиз ҳам бу ерда бахтиёр эдик. Хизматкорлар кўрсатётган ғамхўрликлар иккаламизга ҳам рисоладагидек бўлиб, ейдиган таомларимиз мазали тайёрланар, ичадиган виноларимиз ҳам сифатли эди. Иккаламиз кечки овқатдан кейин қандиллар ёғдуси остида, юмшоқ курсиларда ўтириб вино ҳўплаганча суҳбатлашардик. Кейин кутубхонадаги олови гуриллаб турган камин олдига ўтардик. Кутубхона деворларига ўрнатилган чиройли жавонлардаги нодир асарлар ва чиройли китобларга қараб кўзимиз қувнар, истаган пайтимизда улардан бирортасини олиб мутолаага берилишимиз мумкин эди.

Ҳар шанбада нонуштадан кейинш извошга ўтириб, қишлоқ ҳудудидаги черковга отланардик. Хизматкорларнинг ҳаммаси ибодатга боришарди.

Шанба кунлари биз кечки овқатни анча эрта тановул қилардик. Одатдагидек, қўшниларимиздан айримлари биз билан бирга овқатланарди.

Мен анча улғайиб қолгач, бир куни Амброуз «Мендан кейин бу далаларнинг ва одамларнинг ҳоли нима кечаркан», деди. Унинг расман меросхўри мен эдим. Амброуз вафот этса, унинг ерлари, уйи ва барча ишчи-хизматчилари меники бўлиши керак эди. Бироқ мен ҳеч қачон бўламнинг ҳаётдан кўз юмиши мумкинлигини ўйламас, истамас ва тасаввур ҳам қилолмас эдим.

Иккаламиз ҳали кўп йиллар бирга, бир-биримизга суяниб, шоду хуррам яшаймиз, деб ўйлардим. Кунларимиз биргаликда тинчгина ўтар, бу эса, бўрондан олдинги осудалик эканлигини билмас эдим. Аммо бир куни ҳеч ким кутмаган нарса содир бўлди. Жонимдан ҳам азиз бўлам – Амброуз дунёдан ўтди. Унинг севгилиси Рейчел ҳам ҳаётда кўз юмди. Сиз бу қиссани ўқиб, Рейчел ким экан, аслида нима бўлган эди, деган саволларга жавоб топасиз. Чунки ушбу ғамгин қиссани ёзаётганимнинг сабаби ҳам айнан шу.

Мен Рейчелнинг ўлими сабабини билардим, бироқ Амброузнинг ўлимига нима сабаб бўлган, буни билмайман. У ҳам ўлдирилганмиди? Мен бу саволларга тайинли жавоб бера олмайман.

Сиз бу асарни ўқиб бўлгач, ҳойнаҳой, мени ҳам, Рейчелни ҳам айбласангиз керак. Мен ҳаётимда дунёдан ўтиб кетган фақат мана шу икки одамнигина севганман...

Мен, Филипп Ашлей, йигирма беш ёшдаман. Ҳозир бутун ҳаётим кўз ўнгимда турибди. Мен энди бу икки азиз инсонимсиз узоқ яшай олмасам керак. Қуйида Амброуз ҳақида, Рейчел ва ўзим ҳақимда ҳаммасини, яъни нималар содир бўлганини тўлиқ ёзиб, ҳукмингизга ҳавола қиламан.



Иккинчи қисм

**Амброуз билан Корнвалдда
кечган ҳаёт**

Қишда бу ерда ниҳоятда совуқ ва кучли намгарчилик бўлади. Ҳар куни ёғаётган ёмғирдан денгиз кулранг ва сертўлқин бўлиб кўринади. Бундай об-ҳаво Амброузнинг соғлиғига тўғри келмас эди. У бу вақтга келиб қирқ ёшга тўлган, сайр қилганда асо олиб юрар, сочлари ҳам мош-гуруч бўлиб қолган эди. Шифокорлар унга ҳар йили қиш арафасида ҳавоси қуруқ бирор мамлакатга жўнаб кетишни маслаҳат беришарди. Уларнинг фикрича, у бу маслаҳатга амал қилса, соғлиғи мустаҳкам ҳолда кексалик гаштини суриши мумкин бўлар экан. Шу тавсияларга кўра, Амброуз, чет элга жўнаб кетганида мен йигирма икки ёшда эдим. Университетни тугатганимдан сўнг ер-мулкни бошқаришга, теварак-атрофдаги мулкимизга оид вазифаларимни адо этишга киришдим. Амброуз эса Италияда яшарди. У Флоренция ва Римдаги энг гўзал боғларни кўришни истарди. Амброуз ўзимизнинг боғни жуда севар, у

Дафна дю Морье

ўстирган гуллар ҳамиша яшнаб турарди. У мактубларидан бирида Италиядан анвойи гуллар ва ҳар хил дарахтларни олиб қайтишни режалаштираётганини айтганди.

Шу ерда бироз ортга чекиниш қилсам...

Амброуз Италияга кетишидан аввал эди, кечки пайт иккаламиз одатдагидай, лабимизда сигара, узун оёқларимизни узатиб, кутубхонадаги курсиларда ўтирардик. Эгнимизда эски, кенг ва қулай кийимлар, рўпарамизда каминда олов ёлқинланиб ёнар, итларимиз оёғимизга бош қўйганча ухлар эди.

Хаёл суриб ўтирган жойимизда Амброуз жимликни бузди:

– Эртага вақтни бирга ўтказсак...

– Албатта, бирга ўтказамиз. Фақат... Италияга ҳам бирга борай, Амброуз!

У жилмайди.

– Иккаламиз ҳам кетсак бўлмайди, Филипп! Бу ерда кимдир қолиб, назоратни зиммасига олиши керак. Менинг бу гапларимни унутма.

– Сен ўзингни яхши ҳис қиляпсанми, Амброуз? Бирор еринг оғрияптими?

– Ҳеч қаерим оғриётгани йўқ, Филипп. Мен ўз уйимизни ва боғимизни жуда яхши кўраман. Ҳеч ташлаб чиқиб кетгим келмаяпти.

Амброуз ўрнидан туриб дераза ёнига борди-да, ташқарига – қоронғиликка қаради:

– Мендан кейин бу боққа яхши қарашга ваъда бер, Филипп.

– Бу нима деганинг? Баҳорда бу ерга ўзинг қайтиб келасан-ку!

– Ҳа... Қайтиб келаман, – деди у ўйчанлик билан. – Мен йўғимда ҳамма нарсани асраб-авайла, Филипп. Сен ҳали жуда ёшсан. Лекин менга сенинг ёрдамнинг жуда ҳам керак. Кейин, менга тегишли ҳамма нарса, вақти келиб, сеники бўлади.

Бирдан юрагимга қўрқув тушди.

– Илтимос, Италияга сен билан бирга боришимга изн бер, Амброуз... – яна ўтиндим мен.

– Йўқ, Филипп. Бугунча етарли. Бор, ўрнингга ётиб, ухла.

Биз бу мавзуда бошқа гаплашмадик.

Эртаси куни эрталаб Амброуз яқинимиздаги портга қараб йўл олди. У ёқдан параходга ўтириб, Францияга жўнади. У ёқдан эса Италияга ўтиб кетади.

У кетгач бир неча ҳафтанинг ўтиши жуда оғир кечди. Ва усиз ҳаёт менга жуда зерикарли туйила бошлади. Мен ёлғиз қолган эдим.

Отга минардим-да, шаҳарча яқин-атрофларини кезардим. Қўшниларикига меҳмонга борардим. Вақтни ўтказиш осон эмас эди.

Ноябрнинг ўрталарида Амброуздан илк мактуб келди.

Ўзининг айтишича, соғлиги яхши ва жуда бахтиёр эди. Пароходда юриш унинг саломатлигига жуда яхши таъсир қилибди. Исо таваллуди байрамида эса Флоренцияга борибди. Кейин бўласи Рейчел ҳақида ҳам анча нарса ёзибди. Рейчеллар-

Дафна дю Морье

нинг оиласи билан бизнинг оиламиз ҳамиша яхши муносабатда бўлишган экан. Унинг ота-онаси вафот этиб кетишган, Рейчелнинг эри эса италиялик киши бўлиб, у ҳам дунёдан ўтган экан. Рейчел Флоренция яқинидаги Сангалетти деган катта виллада ёлғиз яшаркан. У вилласидаги боққа жуда яхши қараркан. Бу боғда ҳар хил дарахтлар ва гуллар бўлиб, гўзаллиги билан машҳур экан. Мен бу хатни ўқиб, Амброуз ўзига ўхшаб боғ парвариш қилишни яхши кўрадиган дўст топганидан хурсанд бўлдим.

Ўша қишда Европага қаттиқ совуқ тушиб, барча йўлларни қалин қор босди.

Шу туфайли бўлса керак, кейинги хат баҳорда, йўллар очилганда келди. Амброуз бу мактубида асосан Рейчел ҳақида ёзган эди. Рейчел унга ўз вилласига яқинроқдан уй топиб берибди. Мана ўша хат:

«Қариндошим Рейчел жуда маданиятли аёл, лекин Худога шукрки, сергап эмас. Унинг боги жуда гўзал. Ҳозир бу ерда об-ҳаво жуда яхши ва мен бу ерда жуда кўп вақтимни ўтказяпман. У ҳам инглиз дўсти биттага кўпайганидан ниҳоятда хурсанд. У менга кейинги ишларим юзасидан жуда муҳим маслаҳатлар ҳам бeryпти. Унинг пули оз. Мен унга моддий ёрдам бeryпман, у эса богбон, ажойиб кўчатлар топишда кўмак бeryпти. Мен бу кўчатларни ўзим билан уйимизга олиб кетаман».

Бу мактуб мени ҳайрон қолдирди. Чунки уни аёллар мутлақо қизиқтирмасди. Бироқ унинг бахтиёр ҳаёт кечираётганидан хурсанд бўлдим. Кейин ҳам Амброуздан бир неча мактуб келди. Бироқ у кейингиларида Корнвалдга қайтиш ҳақида бошқа бирор сўз ёзмади. Апрельнинг охирларида эса, ҳаётимни бутунлай ўзгартириб юборадиган мактуб келди:

«Азиз ўғлим! Мен гапни нимадан бошлашни билмай турибман. Мен Рейчелга уйланганимга икки ҳафта бўлди. У нега айнан мени танлаганини билмайман. Аммо биз бирга эканлигимиздан жуда бахтиёрмиз. Мен уни жуда севаман ва кўрганингда сен ҳам, албатта, ёқтириб қолишингга ишончим комил. У жуда яхши аёл. Дўстларимизга менинг уйланганим ҳақидаги хабарни етказ. Шу эсингда бўлсинки, мен сени ҳамиша яхши кўраман. Менга хат ёз ва янганг Рейчелга ҳам яхши тилаклар айтиб ўтишни унутма».

Мактубда ёзилганларига ишонгим келмасди. Хатни олиб, боғдан чиқиб, денгиз соҳили томон кетдим. Қирғоқда ўтириб яна бир марта ўқиб чиқдим. Ўзимни ниҳоятда бахтсиз ва ёлғиз ҳис қилдим. Мен аллақачон унинг рафиқаси Рейчелдан нафратлана бошлаган эдим. Шунинг англадимки, менинг ҳаётим бундан буён ҳеч қачон олдингидай бўлмайди. Мен атрофдаги қўшниларимизга Амброуз уйланганлигини айтиб чиқдим. Бироқ

ҳеч кимга ичимда кечаётган нохушлик ҳақида гапирмадим. Атроф яқиндаги қўшнилари бу хабардан бениҳоя шод бўлганликлари мени ҳайрон қолдирди.

«Бу, албатта, содир бўлиши мумкин нарсанинг энг яхшиси. Улар қачон ўз уйларига қайтишадими», деб сўради кўпчилик. Мен бу саволнинг жавобини билмасдим. Амброуз қачон уйга қайтиши мумкинлиги ҳақида ҳеч нарса ёзмади. Қўшнимиз Ник Кендалл ва унинг қизи Луиза бизнинг энг яқин дўстларимиз ҳамда қўшнимиз эдилар. Ник Кендалл олтмиш ёшлардаги киши бўлиб, у менинг ҳомий отам ҳам эди. Унинг хотини вафот этган, у мендан ёшроқ қизи билан яшарди. Кўпчиликнинг айтишича, унинг қизи Луиза жуда гўзал қиз эди. Биз бир-биримизни болалигимиздан билар эдик ва у менга ўз синглимдек бўлиб қолган эди. Кендаллар Амброуз уйлангани ҳақидаги янгиликни эшитган биринчи қўшнимиз бўлди.

Кендалл асли ҳуқуқшунос эди. Амброузнинг уйланганини эшитиб, менга маслаҳат бера бошлади.

– Сен ўзингга бошқа уй топишинг керак энди, Филипп, – деди менга.

Аввалига тушунмадим.

– Бу нима деганингиз, – дедим ҳайрон бўлиб.

– Амброуз билан хотини энди ҳамиша бирга яшашади ва аста-секин фарзандли бўлишади. Сен ўзингга уй топиб қўйсанг, Амброуз сенга ўша

уйни сотиб олиб беради. Сен уйланганингдан кейин ўша уйда хотининг билан алоҳида яшайсан. Ҳудудимизда чиройли қизлар кўп. Бирорта-сига уйланасан.

У гапиришда давом этар, бироқ унинг гаплари қулоғимга кирмасди. Чунки мен яшаб турган уйимни ташлаб чиқиш хаёлимга ҳам келмас, бу ҳақда ўйламас ҳам эдим. Мен янги қариндошим Рейчелни жуда ёмон кўриб қолган эдим. Ҳаётимни тубдан ўзгартириб юборган бу аёлнинг нимаси шунчалар ёқимли экан? У ёш ва чиройлими? Йўқ, у қари ва хунук аёл бўлса керак.

Май ойининг ўрталарида мен яна Амброуздан мактуб олдим. У бу ёзда хотини Рейчел билан Италияда қолишини ёзган эди. Мен бундан жуда хурсанд бўлдим. Худога шукр, бу Рейчел деганлари ҳали бизнинг уйимизга келмайди. Мен яна ҳаётимдан мамнун бўлиб, яшашда давом этдим. Ёз ўтиб, қиш ҳам келди. Бироқ Амброуз қайтиб келмади. У менга ҳамон мактублар битар, аммо энди уларнинг мазмуни ўзгара бошлаган эди. Мен бўлам Амброуз у қадар ҳам бахтиёр эмаслигини сеза бошладим. Ўша йили Италияда ёз ҳам, куз ҳам жуда иссиқ келди. Бу икки фаслда Амброуз бош оғриғидан қаттиқ азоб чекибди. Олдинлари унинг боши сира оғримас эди. Шунингдек, у уйга қайтиш ҳақида ҳам умуман гапирмай қўйганди.

Амброуз кетгандан кейинги икки қиш ва икки баҳор ҳам ўтди. Амброуз уйланганига бир йилдан ошди.

Орадан бир неча җафта ўтса җамки, Амброуз бирор марта хат ёзмади. Шундан кейин жуда хавотир ола бошладим. Кейинги мактуб июнь ойида келди. Бироқ бу хат мени олдингисидан җам кўпроқ хавотирга солди. Мен шу заҳотиёқ отга миниб хатни кўрсатиш учун, Кендалларникига йўл олдим. Хат жуда ноаниқ ёзилган бўлиб, ўқиш жуда қийин эди. У ўзининг қаттиқ касал эканлигини ва ўзини даволаётган италиялик Райналди деган шифокор җақида ёзганди. У яна хотини Рейчелдан жуда хавотирда эди.

– Бу хатдаги гапларни ёзган одамнинг хаёли жойида эмас, – деди Ник Кендалл салмоқлаб. – Ёзган одамнинг ақли жойида эмас. Бу гаплардан сенинг хабаринг йўқ, Филипп. Амброузнинг отаси җам алмойи-алжойи гапларни гапирадиган бўлиб қолган эди. Ҳаётининг сўнгги җафталаарида эси анча оғиб қолган эди. Умид қиламанки, Амброуз ундай аҳволга тушмас... – Кейин у менга тикилиб қаради. – Ва ўйлашимча, сен Италияга бориб, ундан хабар олсанг, яхши бўларди. Унинг нега бу аҳволга тушаётганини аниқлашинг керак, – деди.

Мен олдинроқ мутлақо хаёлимга келмаган сафарга зудлик билан отланишим кераклигини тушундим. Италия тилини җам, французчани җам билмасдим. Уйга қайтиб келиб, йўлга ҳозирлик кўра бошладим. Бош хизматчимиз Секомб мен йўқлигимда уйимизга қараб турадиган бўлди. Мен унга Амброуз оғир бетоб бўлиб ётганлигини айта олмас эдим. Йўлга чиқишим арафасида Амброуз-

дан яна битта хат келди. Жуда қисқа бу мактубни бадхатлиги учун ўқиш жуда қийин бўлди.

«Худо ҳаққи, тезроқ етиб кел! Тезроқ ҳаракат қилмасанг, кеч бўлади. Рейчел менга азоб бера-бера, ахийри галаба қилди. Мен ўляпман. Тезроқ келмасанг, кейин кеч бўлади».

Мен саёҳатимни юрагимда олов бўлиб ёнаётган оғриқ билан бошладим.

Бугун ўнинчи июль санаси, мен эса Амброузнинг ёнига августнинг ўрталаридагина етиб бора олардим.



Сангалетти вилласи

Минг азоб билан, ва ниҳоят, Италияга яқинлашдим. Йўллар ифлос ва чанг эди. Ҳаво эса кундан кунга қизиб борарди. 15 август куни Флоренцияга етиб келдим. Бир меҳмонхонадан жой олиб, ювиниб, кийимларимни алмаштириб олдим. Ташқарига чиққанимда, вақт пешин бўлиб қолганига қарамасдан, кўчаларда одам гавжум, ҳаво жуда иссиқ ва дим эди. Битта файтонни тўхтатдим.

– Сангалетти вилласига, – дедим извошчига.

У хўп, дегандай бош силкиди. Мен извошга чиқиб ўтирдим. От-арава узун, илон изи йўлдан юриб кетди. Анча вақт йўл юрганимиздан кейин, ниҳоят извошчи баланд девор билан ўралган ҳовли олдида тўхтади.

Дарвозага қўнғироқ осилган экан, мен уни ишдан тортиб қаттиқ силкидим. Бироз кутиб турдим, лекин ҳеч ким чиқмади. Қўнғироқни яна чалдим. Ичкаридан итнинг ҳургани ва ёш боланинг йиғлагани эшитилди. Ҳаво жуда иссиқлигидан нафасим

сиқилиб борар, тезроқ ичкарига кириб, Амброузни кўргим ва унинг ёнида дам олгим келарди.

Бироздан сўнг қадам товушлари эшитилди ва дарвоза секин очилди. Эшикни хизматкор аёл очган экан. Унинг ортидан ҳовли ичкарасига – виллага олиб борадиган узун йўлак кўринди.

– Сангалетти вилласими... Синьор Ашлейнинг... – деб сўрадим.

Аёл дарвозани ёпмоқчи бўлди. Бироқ уни орқароққа итариб, ёпиб олишига йўл қўймадим. Шу пайт аёлнинг орқасида бир эркак пайдо бўлди. Аёл унга қараб италияликлар тилида нимадир деди. Мен «Ашлей, инглиз», деганини тушундим. Эркак менга қаради.

– Мен бироз инглизча сўзлай оламан. Сизга нима керак, – деди.

– Мен бу ерга синьор Ашлейни кўргани келдим. Бу вилла Ашлейларникими, – деб сўрадим.

Эркакнинг қиёфаси тундлашди.

– Сиз синьор Ашлейнинг ўғлимисиз, – деб сўради у мендан.

– Йўқ, мен синьор Ашлейнинг қариндошиман. Тезроқ айтсангиз-чи, синьор Ашлей уйдами?

– Сиз Англиядан келганга ўхшайсиз-а, – деди эркак шошилмай. – Янгиликлардан хабарингиз йўққа ўхшайди. Синьор Ашлей бундан уч ҳафта бурун кутилмаганда вафот этди. Шу воқеадан кейин контесса, яъни у кишининг хотини виллани ёпиб, аллақаяёққа жўнаб кетди. Биз унинг қачон қайтишини билмаймиз.

У 8817/4

Нафасим ичимга тушиб кетди. Менинг айтадиган гапим қолмаган эди.

– Синьор, мен виллани сиз учун очишим мумкин. Синьор Ашлей ётган, у вафот этган хонани кўришни истасангиз.

Кўрсам, кўрмасам бунинг менга ҳеч қандай қизиғи йўқ эди. У йўлакдан борар экан, чўнтагидан калитларни чиқарди. Мен унинг ортидан юрдим. Вилла жуда ҳам чиройли эди. Вилланинг деразалари ёпиқ, баъзилари бутунлай очилмайдиган қилиб, ёпиб ташланган эди. Эркак катта бир эшикни очди. Ҳалиги аёл ва шу эркак деразаларни оча бошлашди. Хона катта, кенг, ҳавоси оғир, ҳамма нарсани чанг босган эди.

– Бу вилла жуда қадимий ва жуда чиройли – деди у. – Мана бу ердаги креслода синьор Ашлей ўтирарди.

Мен эса бу хонада, шу креслода ўтирган Амбрузни тасаввур қилолмадим ва дераза ёнига бордим. Деразадан ташқарида кичиккина майдонча бўлиб, қуёш тушмайдиган соя жой эди. Майдонча ўртасидаги фавворадан сув отилиб турар, атрофига сачраган сувлар ерда кўлмак ҳосил қилган... Кўлмак ёнида олтинранг буталар бўлиб, тилларанг гуллари сўлиб қолган, ям-яшил донлари ерга тўкилиб ётарди.

– Синьор Ашлей доим шу ерда ўтирарди, – у яна давом этди. – Ашлей фавворадан сувнинг шовуллаб отилишини томоша қилишни севарди. Ёзда ҳар куни кечки овқатдан кейин контесса иккаласи шу дарахтлар остида шифобахш чой ичиб суҳбатлашиб ўтиришарди...

Майдонча ниҳоятда салқин ва сокин эди. Мен Амброузнинг сайр қилиб юришларини, от миниб юришларини, доим кучга тўла бақувват пайтини ва доим бирор иш билан банд дамларини кўз ўнгимга келтирдим.

– У кутилмаганда дунёдан ўтиб қолди, – гапида давом этди хизматкор, – бир иссиғи кўтарилгандан кейин жуда заиф бўлиб қолди. Шундан кейин баъзан руҳий касал одамга ўхшаб тўполон кўтарадиган одат ҳам чиқарди. Бир куни эрта-лаб контесса мени чақирди. Келиб синьорнинг ўрнида қимирламай ётганини кўрдим. У ухлаётгандек ётар, бироқ нафас олмаётган эди. Унинг қиёфаси сокин, оғриқлар ва телбалик уни тарк этган эди.

– Қанақа телбалик, бу нима деганингиз?

– Иссиғи баланд пайтда телбадек бўлиб қоларди. У бошидан жуда қаттиқ оғриқларни ўтказди. Мен унинг иссиғи кўтарилиб, талваса тутганда каравотга ётқизиб, маҳкам ушлаб турардим. Унинг бу ҳолатини кўриш жуда оғир эди, синьор.

Бу гапларни эшитиб юрагим эзилиб кетди.

– Нега уни даволаш учун ҳеч нарса қилмадинглар? Нега Ашлей хоним унинг дунёдан ўтиб кетишига йўл қўйди? Бу қанақа касаллик эди? У қанча вақт давом этди?

– Мен сизга унинг бирдан оламдан ўтиб қолганини айтдим-ку! У бутун қиш давомида дарддан азоб чекди...

Биз яна бир хонадан ўтиб узун пешайвонга чиқдик. Яна рўпарамизда катта, чиройли боғ кўринди.

– Менимча, контесса энди бу ерга қайтиб кел-маса керак. Бекамиз учун жуда хафаман. Синьор Райналдининг айтишича, энди бу вилла сотиб юборилса керак.

– Ким у синьор Райналди? – деб сўрадим ҳайрон бўлиб.

– У контессанинг барча ишларини юритади. Маблағларини, ишларини ҳамма нарсасини у бошқаради. Мен сизга унинг манзилини бераман. У инглиз тилини жуда яхши билади.

Хизматкор яна деразаларнинг орқа ёпқичларини ёпди. Биз зиналардан тушиб ҳалиги катта эшик ёнига келдик.

– Унинг кийимлари, китоблари ва иш юритган ҳужжатлари қани? – деб сўрадим.

– Кийимлари ва барча қоғозларини контесса ўзи билан олиб кетди, – жавоб қайтарди эркак.

– Сиз унинг қаерга кетганини билмайсизми?

– Йўқ, билмайман, бошини чайқади у. Билганим шу ер, Флоренция. Бошқа нарса билмайман. Синьор Ашлей шу ерда Флоренцияда дафн этилди, кейин контесса бу ердан кетди.

Ҳалиги аёл эрига қараб нималардир деди ва девор ёнидаги комоддан айланаси катта шляпа олиб, менга узатди. Бу Амброузнинг шляпаси эди.

– У бу шляпани уйда иссиқ кунлари қуёшга чиққанида киярди, – деди эркак.

Мен шляпани қўлимда тутганча туриб қолдим.

– Уни олиб кетинг, синьор, энди у сизники, – деди эркак.

Тўртинчи қисм

Райналди билан учрашув

Флоренцияда қилишим керак бўлган ишларимдан бири – синьор Райналди билан учрашиш эди. У Амброузнинг вафоти ҳақида кўпроқ нарса билиши керак. Мен у билан учрашиб гаплашдим ҳам...

Сангалетти вилласидаги хизматкор унинг манзилини берган эди. Мен унинг тор, овлоқ бир кўчада жойлашган уйини топиб бордим.

Синьор Райналди уйда экан, хизматкори мени унинг хонасига бошлаб кирди.

У қирқ ёшлар атрофидаги озғин, қиёфаси кибрли киши бўлиб, мени кўриши билан юзида ҳайрат аломатлари акс этди.

– Мен Ашлейларданман, Филипп Ашлей, – дедим унга яқинлашиб.

– Ҳа-а-а, – деди чўзиб. – Ўтирасизми? Сиз Филипп Ашлейсиз, аёлнинг ва эрининг қариндоши. Уларга ўхшар экансиз. Мен сизни бу ерда учратишни кутмаган эдим. Сиз Флоренцияда, уларникида бўлдингизми?

Дафна дю Морье

– Ҳа, пешинда. Сангалетти вилласида бўлдим.
У тиржайди.

– Ва қариндошингиз Рейчелни у ерда учратма-
дингиз, шундайми? Миссис Ашлей Флоренцияни
мутлақо кутилмаганда тарк этди. Уни бўлангиз
Амброузнинг ўлими қаттиқ изтиробга солди.

– Бу ҳол менга ҳам қаттиқ таъсир қилди, синьор
Райналди. Нега у аёл Амброузнинг бетоблиги ҳақи-
да менга айтмади, шуни ўйлаб, ўйимга етолма-
япман.

– Чунки у Амброуз Ашлейнинг тузалиб кетиши-
га ишонарди. Шунинг учун эрининг касаллигини
айтиб, сизни безовта қилишни истамади.

– Мен Амброуздан мактуб олдим. Шунинг учун
бу ердан. Мен қўлимдаги иккита мактубни унга
тутқаздим. У хатларни ўқиб чиққач, ўз-ўзига гапи-
раётгандай, деди:

– Ҳа, Ашлей хонимни докторлар огоҳлантир-
нича бор экан.

– Сиз нимани назарда тутяпсиз?

– Докторлар унга бўлангизнинг миясида ўсимта
борлигини айтишган. Унинг хаёли жойида бўлма-
ган, шунинг учун бу хатларни ёзган. Бу ўсимта ав-
вал уни эсдан оғдирган, кейин ўлимига ҳам сабаб
бўлган.

Мен бош чайқадим. Бу гапга ишонмадим.

Шу маҳал Райналди қўлига бир қоғозни олди ва
менга узатди.

– Бу унинг дунёдан ўтганлиги ҳақида гувоҳно-
ма. Мен бу ҳужжатнинг бир нусхасини Корнвалга

мистер Кендаллга, бир нусхасини сизга юборганман. Мистер Кендалл, сизнинг ҳомий отангиз, сизга Амброузнинг ўлими тафсилотларини айтиши керак эди.

– Мистер Кендалл менинг ҳомий отам? Амброуз бу ҳақда менга ҳеч қачон гапирмаган!

– Буни сизга бўлангиз миссис Рейчел айтади. Қолганини қайтиб борганингизда мистер Кендалл тушунтиради.

– Бу ерда хатда бутунлай бошқа нарса ёзилган! У мени хатардан огоҳлантирган. У бетоб эмас эди, бироқ ҳаёти хавф остидалигини айтган.

– Бўлангизнинг ақли жойида эмас эди, – деди Райналди гапимни бўлиб. – Унинг касали хаёлига келган ҳар нарсани ёзишига сабаб бўлган. Миссис Ашлей ҳамиша унинг ёнида бўлган. У эса ёнидаги одамдан ёмонлик гумон қилган. Бу касалликка чалинган одамлар энг содиқ дўстларни ҳам душман деб ўйлашга мойил бўлишади.

– Агар мен ёнида бўлганимда, Амброуз ҳозир ҳаёт бўларди.

Райналди бошини чайқади.

– Йўқ, сиз адашяпсиз, – деди у. – Синьор Ашлейга ким ҳеч қандай ёрдам беролмасди.

Ўрнимдан туриб, эшик томон юрдим.

– Миссис Ашлей қайтганида қўлимда шундай хатлар борлигини айтиб қўйинг!

– Бўлангиз миссис Ашлей Флоренцияни кутилмаганда тарк этди. Ўйлашимча, у энди қайтиб келмайди...

Дафна дю Морье

Мен бу совуқ уйни тарк этиб, қоронғи кўчага чиқдим. Мен Райналди айтган гапларга мутлақо ишонмаган эдим.

Амброуз қаттиқ оғриқдан азоб чекиб, бахтиқаролик билан дунёдан ўтган эди. Ва унинг ўлимига хотини Рейчел сабаб эканлигига ҳам ишончим комил эди.

«Вақти келиб собиқ янгам Рейчелга қаттиқ азоб бераман, мен ҳам уни бахтиқаро қиламан, — деб ўзимга сўз бердим. — Мен қариндош-уруғлардан, дўстлардан, ўз уйидан узоқда бўлган севимли бўлам Амброузни ўлдирган бу аёлнинг жазосини, албатта, бераман...»



Бешинчи қисм

Қайтиш

Шундай қилиб сентябрнинг биринчи ҳафтасида уйга қайтдим.

Олдинроқ Амброузнинг вафоти ҳақида хат жўнатганим учун келганимда барча хизматчилар мотам либосида – қора кийимда эдилар. Менинг Италияга бориб-келганим ўзимга ёмон тушдек туйиларди.

Энди ҳар ҳолда ўз уйимда эканлигимдан бир қадар хурсанд ҳам бўлдим.

Шунингдек, бу уй ва боғнинг масъулияти менинг бўйнимда тушган эди. Мен ўз вазифаларимни худди Амброуз бажаргандик, пухта қила бошладим. Нима ишга қўл урсам, сидқидилдан астойдил бажардим.

Менинг ҳомий отам – Ник Кендалл келган кунимоқ қизи Луиза билан бирга уйимизга ташриф буюрди. У менга Амброузнинг вафоти туфайли энди барча бошқарув вазифаси менга ўтишини ва қайси иш қандай бажарилишини тушунтиргани келган эди.

– Филипп, сен йигирма беш ёшга тўлишинг билан бу ерлар, далалар, боғ ва уй сенинг их-

Дафна дю Морье

тиёрингга тўлиқ ўтади. Бироқ унгача бўлган етти ой давомида сенинг ҳомий отанг бўламан. Агар сенга пул керак бўлса, менинг олдимга келасан. Умид қиламанки, яқин орада уйланасан ҳам. Чунки бу уйга аёл кишининг қўли ҳам керак.

– Менга аёл керак эмас. Амброуз уйланди, оқибати ўлим билан тугади. Шу воқеадан кейин хотини дарҳол Флоренциядан жўнаворган. Яна Амброузнинг ҳамма нарсасини худди ўғрига ўхшаб, йиғиб-териб, ўзи билан олиб кетган.

– Сен ўз акангнинг хотинини ўғрига ўхшатишинг яхши эмас. Амброузнинг уйланиши кўп нарсани ўзгартириши аниқ эди. Ҳатто Амброузга тегишли ҳамма нарса хотинига мерос бўлиб ўтиши ҳам мумкин. Фақат мен унинг хотини ҳеч нарсага даъво қилмаганига ҳайронман.

– Қанақа даъвогар? Амброуз шу хотин туфайли ўлиб кетди! Энди унинг нарсаларига ўлимига сабаб бўлган одам эгалик қиладими?

– Бемаънилик! Амброуз бош миядаги ўсма туфайли дунёдан ўтди. Мана шу бошидаги оғриқ туфайли бемаъни ва аҳмоқона хатлар жўнатди.

– Мен Амброузнинг бош оғриқ касалига йўлиққанига ишонмайман, – дедим қатъий қилиб.

– Сен ишонмайсан, эмас, ишонишни истамайсан, – деди ҳомий отам мендан ранжиб. – Бу фикрингни ичингда қолдир. Гапириб юришинг яхши эмас.

Мен унга жавоб қайтармадим.

Шундан кейин Кендалларни икки җафтача кўрмадим. Тутинган отам Кендалл менга бир келиб кетсин, деган хабар жўнатганидан кейингина бордим. Етиб борганимда у қўлидаги мактубга тикилиб ўтирар эди.

– Хўш-ш-ш, – деди у, – сенга бир янгилик айтмоқчиман, Филипп. Бу хат Амброузнинг беваси Рейчелдан келди. У Англияга Амброузнинг нарсаларини олиб келаётган экан. У ҳеч нарса даъво қилаётгани йўқ. Фақат Амброуз яшаган уйни, унинг ёшлиги ўтган жойларни кўрмоқчи экан. У ўзига мутлақо бегона юртга келяпти. Уни кутиб олиш сенинг вазифанг, Филипп.

– Жуда яхши, – дедим хотиржам ва совуққонлик билан. – Ўзи шу аёлни бир кўргим бор эди. Унга Филипп сизни интизор бўлиб кутяпти, деб ёзиб юборинг!

Ник Кендалл менинг ҳолатимни тушунди.

– Сен жуда асабийлашиб кетяпсан, Филипп. Миссис Ашлей келганида бемаъни гаплар айтиб юборишдан ўзингни тиясан, деб умид қиламан. У сенинг марҳум акангнинг хотини. Шуни унутиб қўймасанг, бас.

Кендаллар боғидан чиқиб кетаётиб, сайр қилиб юрган Луизани учратиб қолдим. Мен унга Амброузнинг хотини келаётганини айтган эдим, у ташвишга тушиб қолди.

– Сизларнинг уйларида йигирма йиллардан буён аёл киши яшагани йўқ. Ҳамма ёқ чанг бўлиб, тўзғиб кетган.

– Уй қандай бўлса, Амброуз шундайлигича яхши кўрарди. Мен бу аёл учун атайлаб тайёргарлик кўрмайман. Унга биттагина савол бериб, бу уй ҳақида мутлақо ўйлай олмайдиган қилиб қўяман. Агар увиллатиб бир йиғлатсам, роса хурсанд бўлардим-да!

Лекин уйга етиб келгунча фикрим ўзгарди.

Мен акамнинг хотини Рейчелни кўрганимда яхши тарбия кўрган зодагонлигимни унутмай муомала қилишим керак. Шунингдек, ўзимни бу катта уйнинг хўжайинига хос тутишим лозим. Бу фикрларимни бош хизматкор Секомбга айтганимда у тўлиқ қўшилди. Биз миссис Ашлей келгунча ҳамма ёқни ювиб, тозалаб қўйишга қарор қилдик.

– Миссис Ашлейни яхши кутиб олишимиз керак. Мен унга мистер Амброузнинг хонасини тайёрлаб қўяман, – деди Секомб.

– Асло! Амброузнинг хонасига мен кўчиб ўтаман. Миссис Ашлейга мовий хонани тайёрланг.

Миссей Ашлей келгунича уй ҳам, ҳовли ҳам мутлақо ўзгариб кетди. Олдинги тўзғиган ва чангга ботган ҳолатидан асар ҳам қолмади.

Марҳум Амброузнинг хотини миссис Ашлей келган куни уй ҳам, ҳовлимиз ҳам таниб бўлмас даражада ўзгариб кетган эди. Ҳамма ер ва ҳамма нарса тозаланиб, тартибга солинди. Секомб барча кумуш идишлар, қошиқ-вилкаларни ярақлатиб тозалади, бош боғбон эса уйнинг барча хоналарига гулдасталар қўйиб чиқди.

Мен бу ўзгаришларни диққат билан кўздан кечиргач, пошилмасдан мовий хонага кўтарила бошладим. Итларим ортимдан эргашди. Бўлам Рейчелга аталган хоналарга кўз югуртирдим: энди хона ва барча буюмларда олдинги чангдан асар ҳам йўқ, деразалар катта очиб қўйилган эди.

Хона деворига Амброуз ёш йигитлигида ишланган портрет осилган бўлиб, у айна пайтда менинг худди ўзим эди. Ичимда бўламга жуда ўхшашлигимдан фахрланиб қўйдим. Қариндошим Рейчел эса пешинда етиб келиши керак эди. Мен у етиб келганида уйда бўлмасликка қарор қилдим. Куннинг совуқ эканлигига ва қаттиқ шамол эсаётганига қарамасдан тушлик таомдан кейин, далага чиқиб кетдим. То чарчаб, ҳолдан тойиб қолмагунча юравердим. Шундай қилиб соат олтидан ошиб кетгандан кейингина уйга қайтдим. Мен қайтиб келганимда кутубхонадаги каминда олов гуриллаб ёнар, лекин хонада ҳеч ким йўқ эди. Мен қўнғироқни чалиб, Секомбни чақирдим.

— Хоним келдилар. Жуда чарчаган эканлар, таомни хонасига олиб киришимни сўрадилар. Сиз билан кечки овқатдан кейин кўришмоқчи, агар сиз рози бўлсангиз, хурсанд бўлишини билдирдилар.

— Унинг юklarини қаерга киритдинглар, — сўрадим Секомбдан.

— Хонимнинг юklари жуда кам ва енгил экан. Ўзининг хонасига чиқариб бердик. Жаноб Амброузнинг ҳам нарсаларини олиб келибди. Уларни

Дафна дю Морье

хонимнинг илтимоси бўйича сизнинг хонангизга киритдик.

Шундай қилиб бир стакан брендини ичиб олгач, ўтириб, бир ўзим овқатландим. Кейин ўрнимдан туриб, секин зиналардан кўтарила бошладим. Бориб, Рейчел хоним жойлашган хонанинг эшигини тақиллатдим. Ичкаридан ёқимли овоз эшитилди:

– Ким у?



Олтинчи қисм

Рейчел билан танишув

Ичкарига кирдим. Ҳамма ёқ саранжом-саришта эди. Қандиллар ёниб турса-да, пардалар тўлиқ очилган, итларим камин ёнида тобланиб ётишар, креслода эса Ашлей хоним эшикка орқа қилиб ўтирар эди.

– Хайрли оқшом, – дедим аёлга қараб.

У шу заҳотиёқ бурилиб, менга қаради ва ўрнидан туриб мен томонга қараб юрди. Энди биз бир-биримизга юзма-юз турардик. Қаршимдаги бошдан-оёқ қора кийинган аёлнинг гавдаси жуда нозик ва кичкина эди. Унинг қоп-қора сочлари орқасига йиғилган, тим қора катта-катта кўзлари менга ҳайрат аралаш боқарди.

– Сиз яхши дам олдингиз, – деб умид қиламан дедим, ўзимни ноқулай ҳис қилиб.

– Ҳа, раҳмат, Филипп, – деди-да, яна камин олдига бориб ўтирди.

Менинг Дон лақабли севимли қари итим эса унинг тиззасига бошини қўйди.

– Билишимча, Дон сизнинг итингиз. У ҳозир ўн беш ёшда-а, – деди аёл.

Дафна дю Морье

– Ҳа, уни менга Амброуз туғилган кунимда – ўн ёшга тўлганимда совға қилган эди.

– Биладан, – деди у яна ўрнидан туриб дераза томон борар экан.

– Сизга қанчалик оғир бўлмасин, хонамга ташриф буюрганингиз учун сиздан миннатдорман, Филипп.

Ташқарида ёғаётган ёмғир кучайди ва аёл оғир пардаларни зич ёпди. Сўнг иккаламиз ҳам олови гуриллаб ёнаётган камин ёнига ўтирдик.

– Мен бу уйга кириб келаётганимда ўзимни жуда ғалати ҳис қилдим... Амброуз уйи ҳақида жуда кўп гапириб берган. Мен бу уй... бу ерда жуда узоқ бўладан.

У охириги сўзларни тутилиб айтди. Унинг «бу уйда», демоқчи бўлганини сездим. Бироқ «бу ерда», деб тўғрилаб қўйди... Қизиқ, нега бундай деди?

– Ўзингизни бу ерда яхши ҳис қиласиз, деб умид қиламан. Бироқ бу ерда сизга алоҳида хизмат қиладиган аёл хизматкор йўқ, – дедим унга қараб.

– Кимдир менга алоҳида хизмат қилиши шарт эмас. Нарсаларим ҳам кўп эмас. Ўзим билан бор-йўғи иккита кўйлак ва сайр қилганда кийиш учун оддий оёқ кийимгина олиб келганман.

У менга қараб табассум қилди. Мен ҳам жавобан жилмайдим. Бироқ «Мен нега Амброуз бўлганини гўрга тиққан аёлга тиржайиб қараяпман», деган хаёлдан юрагим ачишиб кетди.

Шу пайт Секомб хонага кириб келди.

– Сизларга чой келтирдим, хоним, – деди у қўлидаги кумуш патнисга ишора қилар экан. Патнисда чой дамланган кумуш чойнак ва финжонлар ярақлаб турарди. Қизиқ, ўз уйимизда бу патнис ва чойнакларни илк бора кўришим...

– Сиз эрталаб соат нечада нонушта қиласиз? Мистер Филипп соат саккизда чой ичадилар.

– Агар сизга малол келмаса, нонуштани хонамга келтирасиз, – деди аёл хизматкоримизга.

Секомб илгарилари кечки овқатдан кейин ҳеч қачон чой тайёрламас эди. Бугун чой кўтариб юргани мени таажжублантирди. Бироқ ҳеч нарса демадим.

– Агар чеккингиз келаётган бўлса, бемалол чекаверинг, Филипп, – деди аёл менга қараб.

Мен унга тикка қарадим. «Мен аёл кишининг хонасида чекадиган даражада бетарбия эмасман», десаммикан? Бир-икки оғиз қаттиқ-қаттиқ гапириб, дилини сиёҳ қилиб чиқиб кетсаммикан?

Аmmo... Мен ҳозирча бу аёлнинг рўпарасида индамайгина ўтириб чой ичаяпман ва чекапман ҳам... Қизиқ, қандай қилиб сочлари силлиқ таралган, кичкинагина, маъюсгина бу аёлдан хафа бўлиш ёки ундан нафратланиш мумкин?

– Сизнинг ухлаш вақтингиз яқинлашган бўлса керак-а, Филипп? Сиз бугун жуда узоқ сайр қилгансиз, балки бориб ухларсиз энди... – Аёлнинг майингина овози хаёлларимдан чалғитди.

Мен кўзларимни очиб узатиб ўтирган узун оёқларимга қарадим. Рейчел менинг устимдан

куляптими? У менинг уйга киргим келмай ташқарида бир неча соат турганимни билади чоғи...

Мен шошилмай ўрнимдан туриб, (бўйим баланд эмасми) унга тепадан қарадим.

– Бир дақиқа шошманг, Филипп. Сизга берадиган нарсам бор.

У шундай деб, ётоқхонага кириб кетди ва қўлида Амброузнинг сайр қилганда олиб юрадиган асосини олиб қайтди. У бу асони ҳамиша ўзи билан олиб юрарди. Мен буюмни ноқулайлик билан қўлимга олдим.

– Энди тез чиқиб кетинг, Филипп! Тезроқ! Сиз шу қадар Амброузга ўхшайсизки, уни эслаб юргим эзилиб кетяпти, – деди Рейчел.

Мен эшик ортида қўлимда асони ушлаганча бир муддат қотиб турдим.

Наҳотки, шу кўнгли бўш аёл Амброузнинг қотили бўлса?! Яна кўз ўнгимдан унинг Амброузни эслаб эзилиб кетган қиёфаси ўтди. Бу аёл ҳақидаги қаҳрли хаёлларим аста-секин қалбимни тарк этаётган эди...



Еттинчи қисм

Ғалати муносабатлар

Кейинги кун якшанба эди. Ўша куни худди Амброуз қилгани сингари хизматчиларга иш ҳақи тарқатдим. Лекин бош боғбонимиз Тамлин негадир кўринмади. Қизиқ, мен унга хоним билан бирга ҳозир бўлишни тайинлаган эдим-ку! Мен уларни янги кўчат экаётган жойларидан топдим.

– Мен бу ерга соат ўн яримда келган эдим, – деди жилмайиб Рейчел. – Италиядан Амброуз билан топган янги кўчатларимиз бор эди. Уларни тезроқ экмаса бўлмасди. Шуларни экаётган эдим. Тамлин эса менга ёрдамлашиб юборди.

– Шунча йил боғбон бўлиб ишлаб, жуда кўп билмаган нарсаларимни шу бугун миссис Ашлейдан ўргандим. У киши боғ ишлари бўйича катта билимдон эканлар, – деди менга қараб Тамлин.

Тушлиқдан кейин мен Рейчелга ўзимизга қарашли боғлар ва далаларни кўрсатмоқчи бўлдим. У отга бир сакрашда осонгина миниб олди. Бирга ёнма-ён от йўрттириб кетдик. Рейчел қора кўйлак кийган ва қора шарфни бошига бўйнидан айлан-тириб ўраб олган эди. Унинг қиёфаси италиялик

художўй хонимларни эслатар ва мутлақо инглиз аёлларига ўхшамасди.

Рейчел бизнинг далаларимиз, боғларимиз ва фермаларимизнинг номларигача яхши билиши мени ҳайрон қолдирди. Биз бирга сайр қилиб юрарканмиз, асосан унинг Италиядаги вилласи ҳақида гаплашдик.

– Мен биринчи марта турмушга чиққанимда жуда бахтсиз яшадим. Ўзимни овутиш учун асосий вақтимни Сангалетти вилласининг боғида ҳар хил дарахтлар ва гулларни парвариш қилиш билан ўтказганман. Мен ана шу боғни кўришингизни жуда ҳам истайман, Филипп.

Унга ҳайрон бўлиб қарадим. Наҳотки, у менинг Италияга борганимни ва вилласини кўрганимни билмайди? Наҳотки, ҳомий отам Ник Кендалл унга хатлар ҳақида ҳеч нарса демаган? Энди гап бошлаган эдим, отлар чошиб кетди, Рейчелга етиб олганимда эса гапимни давом эттиргим келмади. Шундан кейин то уйга қайтгунча гап-гапга қовушмади.

Кечки овқатдан кейин кутубхонадаги оловгурил-лаб ёнаётган камин олдида курсиларда ўтирардик. Рейчел кашта тикар, мен эса, унинг бармоқларининг чаққон ҳаракатини кузатиб турардим. Унинг қўлчалари оппоққина, бармоқларида иккита узук ярқирарди.

– Баъзан ғалати бўлиб қоласиз, Филипп. Менимча, сизни нимадир безовта қиляпти.

– Мен бу ердан бир неча кунга узоққа кетганимни ҳомий отам сизга айтганмиди?

– Йўқ.

– Мен Амброузнинг дунёдан ўтганини синьор Райналдидан эшитганим йўқ. Мен сизнинг виллангизга бориб, хизматкорларингиздан эшитдим.

Рейчел бошини кўтариб менга ғалати қаради.

– Сиз Флоренцияда бўлдингизми? Қачон бордингиз? У ерда қанча вақт бўлдингиз?

– Мен Флоренцияда фақат бир кунгина бўлдим. Ўн бешинчи августдан ўн олтига ўтар кечаси ўша ерда эдим.

Рейчелнинг каштаси қўлидан тушиб кетди.

– Мен сиз борган кундан атиги бир кун олдин Флоренциядан чиқиб кетган эдим. Нега бу ҳақда кеча кечқурун айтмадингиз?

– Мен биласиз, деб ўйлагандим, – дедим яна ўзимни ноқулай сезиб.

– Нега Италияга борганингизни менга айтишингиз керак...

Қўлимни чўнтагимга солиб, Амброузнинг мактубларини пайпасладим.

– Мен узоқ вақт Амброуз ҳақида ҳеч нарса эшитмадим. Бу эса мени жуда безовта қилди. Кейин июль ойида ундан мактуб келди. Мактуб жуда ҳам ғалати эди. Мен хатни мистер Кендаллга кўрсатдим. У менинг зудлик билан Италияга боришим кераклиги ҳақидаги фикримни қўллаб-қувватлади. Мен жўнаб кетганимдан кейин яна бир мактуб келган. Иккала мактуб ҳам ёнимда. Кўрасизми?

– Ҳозирча, йўқ. Сиз менга Флоренцияда нима қилганингизни гапириб беринг.

Мен сўраб-суриштириб, Сангалетти вилласини топиб боргач, хизматкорларингиздан Амброузни сўрадим. Улар менга Амброузнинг оламдан ўтганини, сиз эса номаълум томонга жўнаб кетганингизни айтишди. Улар менга Амброуз яшаган ва вафот этган хонани кўрсатишди. Унинг сиз қолдириб кетган ягона нарсаси – шляпасини беришди.

Рейчел бир муддат жим бўлиб қолди. Сўнг менга қараб:

– Давом этинг, – деди.

– Кейин яна Флоренцияга қайтдим ва синьор Райналдини қидириб топдим. У менга Амброузнинг касаллиги ҳақида гапириб берди. У сизнинг қаерда эканлигингизни билмаслигини айтди. Эртаси куни Англияга жўнаб кетдим.

Орага оғир сукунат чўкди.

– Энди ўша хатларни кўрсам бўладими, – деди Рейчел.

У хатларни қайта-қайта ўқиди. Мактубларни қўлида тутганча, менинг кўзларимга узоқ тикилди.

– Эҳ, сиз мендан қанчалик нафратланган экансиз, – деди ҳамон термилиб тураркан.

Шу тобда Рейчел ҳамма нарсани биладигандай кўринди. Мен ундан неча ойлардан буён нафратланиб юрганимни, уни қанчалик ёмон кўришимни биларди, назаримда.

– Ҳа, сиздан нафратланардим, – дедим унга қараб.

– Унда нега мени бу ерга келишимга қаршилик қилмадингиз?

– Сизни унинг юрагини яралаб, охир-оқибат ўлдирганликда айбламоқчи эдим. Сизни ҳам азоб чекишга, изтиробда қолишга мажбур қилиб, аҳволингизни томоша қилмоқчи эдим.

– Сиз ниятингизга етдингиз, – деди Рейчел.

Айни дамда унинг ранги оқариб кетган, қоп-қора чиройли кўзлари ёшга тўлган эди. Мен нигоҳимни ундан олиб қочдим ва ўрнимдан турдим. Аёл кишининг йиғлаганини шу пайтгача ҳеч қачон кўрмаган ва айни пайтда нима қилишни, қандай таскин беришни билмас эдим.

– Рейчел, боринг, юқори қаватга чиқинг. Дам олинг, – дедим.

Бироқ у қимирламади. Мен унинг қўлидан Амброузнинг мактубларини олдим-да, каминда ловуллаб ёнаётган оловга ирғитдим.

– Мен бу гапларнинг ҳаммасини унутишга тайёрман, агар сиз ҳам унутишга ваъда берсангиз. Бу гапларни ёдга солиши мумкин бўлган хатлар эса ёниб битди, – дедим.

– Бироқ иккаламиз ҳам Амброуз нима гаплар ёзганини эсимиздан чиқариб юбора олмаймиз-ку, – деди у.

Мен ҳеч нарса демасликни маъқул кўрдим.

– Менга душанбагача шу ерда қолишга имкон беринг. Кейин жўнаб кетаман. Кейин истасангиз, мени кечиринг, истамасангиз, нафратланишда давом этинг. Бироқ бугун иккаламиз ҳам жуда бахтиёр эдик, Филипп.

– Бироқ сизни энди ёмон кўраётганим йўқ, – деб гап бошладим. – Бу туйғулар то сизни учратганим-

ча хаёлимдан кечган. Бу хатлар келганида ўзим танимайдиган аёлни – Амброузнинг хотинини ёмон кўрганман. Чунки мен Амброузни унинг хотинидан қаттиқ қизғанардим. Амброуз мен севган дунёдаги ягона одам эди, ахир. Сиз уни мендан тортиб олдингиз ва мен уни сиздан рашк қилдим. Қаттиқ яхши кўриш ҳам одамни ғалати қилиб қўяр экан.

– Мен буни биламан. Муҳаббат Амброузни ҳам ғалати қилиб қўйган эди. У мени учратиб, севиб қолганида қирқ уч ёшда эди. У умрбод ухлаб, эндигина уйғонган одамга ўхшарди. Унинг муҳаббати жуда кучли эди. Шу қадар қаттиқ эдики, унинг ўзини ҳам ўзгартириб юборди, Филипп.

– Тушунмадим, бу нима деганингиз?

– Амброузнинг ўзгариб қолгани менга ҳам таъсир қилди. У баъзан мен билан ўзини бахтиёр ҳис қилса, баъзан азоб чекарди. Кейин у бетоб бўлиб қолди. Сиз мендан нафратланганингизда ҳақ эдингиз, Филипп. Агар Амброуз мени учратмаганида ҳозир ҳаёт бўларди. – Рейчел менга ғамфин табассум билан боқди: – Ваҳоланки, мен ҳам уни сиздан қизғанардим. У сизни беҳад яхши кўрарди ва доим сиз ҳақингизда гапирарди. Баъзан ҳадеб сизнинг исмингизни эшитаверишдан чарчаб кетардим. – У сўзлашдан тўхтаб, тушиб кетган каштасига қўл узатди. – Истасангиз, суҳбатимизни эртага давом эттирамиз. Душанба куни эса бу уйни тарк этаман. Жаноб Ник Кендалл мени ўзининг уйида яшашга таклиф қилди.

– Мен сизни бу уйдан кетишингизни истамайман. Ҳали бу ерда бирга амалга оширадиган ишларимиз кўп, – дедим унга қараб илтижоли оҳангда.

Мен эгилиб унинг кўзларига қарадим. Назаримда, у мени тушунгандай бўлди.

– Қандилни ёқиб беринг. Мен энди ухлайман.

У зиналардан кўтарилар экан, тўхтаб, менинг кўзларимга боқди:

– Сиз мендан энди нафратланмайсиз, шундайми?

– Сиз ҳам энди мендан ҳеч кимни рашк қилмайсиз ва рашк қилган пайтларингизни ҳам унутасиз, шундайми, – дедим.

Рейчел жилмайди. Мен ҳеч кимни сиздан рашк қилмаганман. Эримни ўзим кўрмаган, ўзим танимаган боладан рашк қилганман.

У кутилмаганда зинадан пастга қараб тушиб келди ва... менинг лабимдан ўпди.

– Бу сизнинг ҳаётингиздаги биринчи бўса бўлса керак, Филипп. Умид қиламанки, сиз бундан хафа эмассиз...

Унинг зиналардан аста-секин кўтарилишига... мендан йироқлаб боришига... юрагим орзиқиб термилиб қолдим.



Мактублар

Илгари ҳар шанбада Амброуз иккаламиз черковга бориб ибодат қилишимизни айтган эдим.

Бу шанбада Рейчел мен билан черковга боришга рози бўлди.

Ибодатга келган барча қўшнилариимиз Рейчелни биринчи марта кўришга муваффақ бўлдилар. Биз келганимизда черков одамга тўла эди. Ҳали ташқарида турар эканмиз, қулоғимга одамларнинг «Миссис Ашлей жуда гўзал экан», деган гаплари чалинди.

Мен бу гапдан ниҳоятда ҳайратландим. Демак, Рейчел фақат менга гўзал туйилмаётган экан...

Одатдагидай, ибодатдан сўнг жаноб Кендалл қизи билан, дорихона хўжайини оиласи билан бизникига кечки овқатга келишди. Меҳмонларнинг бундай ташрифлари мени ҳеч қачон бу қадар бахтиёр қилмаган. Бироқ бугунги кечки меҳмондорчилик жуда яхши ўтди. Вақт ўтганини ҳам сезмай қолдим. Кошки эди ҳозир Амброуз биз билан бирга бўлса! Ҳамма жуда хурсанд бўлиб ўтирди. Фақат назаримда Луизагина хомуш эди. У жуда кам гапирди ва бирор марта жилмайга-

нини кўрмадим. Меҳмонларимиз соат олтиларда жўнаб кетишди. Уларни кузатгач, Рейчел иккаламиз кутубхонага чиқдик ва камин олдидаги жойларимизни эгалладик.

– Сизга бугунги меҳмондорчилигимиз ёқдими, Филипп, – деди менга қараб.

– Албатта, – дедим, – фақат бугун менга меҳмонлар ҳар доимгидан ҳам қадрдонроқ туйилди.

– Луизага уйланганингиздан кейин шундай хурсандчиликлар доимий бўлади, – деди Рейчел жилмайганча. – Вояга етган ҳар бир йигит, албатта, уйланиши керак...

Мен Рейчелнинг кўзларига нигоҳимни қададим:

– Луизага уйланар эканманми? – дедим ҳайрон бўлиб. – Мен Луизага ҳам, ундан бошқасига ҳам ҳеч қачон уйланмайман!

– Йўғ-э, шунақами? Сизнинг тутинган отангиз назаримда бошқача ўйлайди. Шунингдек, Луиза ҳам. Луиза айни сизга мос ажойиб рафиқа бўлади. Мен кетганимдан сўнг, сизга бир аёл меҳрибонлик қилиши керак, ахир.

– Бироқ сиз ҳеч қаерга кетмайсиз, Рейчел. Сиз кетсангиз менинг ҳам, уйнинг ҳам ҳоли не кечади?

– Қўйсангиз-чи!

– Эртадан бошлаб ўзингиз меҳмонга бора бошлайсиз. Кейин қўшниларимиз ҳам келиб туришадди. Сизнинг бу ерда қиладиган ишингиз жуда кўп, – дедим унга қараб.

– Бу фикр менга жуда маъқул дея олмайман. Балки мен қўшниларга италян тилидан дарс бе-

рарман? Мен бир бечора бева бўлсам, ҳарна оз-моз пул ишлайман.

Мен кулиб юбордим.

– Ёки эрга тегасиз, ё узукларингизни сотасиз сиз бечора!

Ушбу дақиқаларда анча қўпол гапирганимни сезиб турардим. Рейчелнинг ҳеч нарсаси, жумладан, пули ҳам йўқлиги аниқ. У пулсиз яшай олмайдиганлардан эди.

Мен итларимни эргаштириб боғдан чиқдим. Аҳмоқона ҳазилим оқибатида ўзимни ноқулай ҳис этиб, ҳовлимиздан ташқарида то қоронғи тушгунча айланиб юрдим. Сайр қилиб юрар эканман, хаёлимга бир фикр келди.

Рейчелга бироз пул бериш керак. Фақат бу менинг ташаббусим эканлигини у билмаса яхши бўларди. Ҳовлига қайтиб кирганимда Рейчелнинг ётоғи деразалари ланг очиқ эди.

Ичкаридан унинг ёқимли овози эшитилди:

– Нега қоронғи тушганда сайр қилиб юрибсиз, Филипп? Сизни нимадир безовта қилаётганга ўхшайди.

– Ҳа, шунақароқ. Сиз мени жуда қўпол ва аҳмоқ деб ўйлашингиздан қўрқаман.

– Бекорчи гапларни қўйинг, Филипп. Бориб ухланг.

Шу пайт оёғим нимагадир тегди. Қарасам, янги экилган бир туп гул...

Рейчел деразаларини оҳиста ёпди.

Шу ҳафта ичида Италиядан турли-туман гул ва дарахт кўчатлари етиб келди. Сешанба куни

эрталаб отга миниб Пелинга, ҳомий отам – Ник Кендаллникига отландим. Рейчел менга бугун то пешингача боғбонимиз Тамлин билан кўчат экишини айтган эди. Менинг ҳам вақтим бекор ўтмади, ҳомий отам Ник Кендаллникида соат ўнгача бўлдим.

– Рейчелга биров пул беришимиз керак, – дедим. – У оз-моз пул ишлаш учун италян тилидан дарс берсам яхши бўларди, деяпти. Уни ишлатиб қўйсақ бўлмайди.

Тутинган отам менга миннатдор нигоҳ билан қаради.

– Миссис Ашлейга ёрдам бермоқчи бўлганингдан жуда хурсандман, Филипп. Банкка айтиб қўяман, унга ҳар чорақда бирмунча пул ажратиб туришади. Сен унга қанча пул ажратишни таклиф қиласан?

Мен унга суммани айтганимда тутинган отам ҳайрон бўлиб қолди ва, менимча, сен унга ҳаддан ташқари кўп пул бермоқчисан, деди.

– Амброуз ўзидан кейин барча мулкларига ва пулларига мени эга қилмоқчи эди. Мен унга истаганимча пул беришга ҳаққим бор. Сиз миссис Ашлейга битта, банкка битта хат ёзиб беринг.

– Жуда қизиққонлик қиляпсан, Филипп...

Бироқ у барибир айтганимни қилди.

– Хатни банкка олиб бораман. Аммо унга пул бериш ғояси мендан чиққанини билишини истамайман. Сиз, яхшиси, миссис Ашлейга ёзган хатингизни бирорта хизматкорингиздан бериб юборинг...

Ник Кендалл бу гапимга ҳам рози бўлди.

Чиқиб кетаётиб ташқарида Луизани учратиб қолдим ва ўша заҳотиёқ:

– Мени кечирасан, сен билан гаплашиб туролмайман, шошиб турибман, зарур иш билан борадиган жойим бор, – дедим.

Луиза менга совуққина қаради:

– Миссис Ашлей яхши юрибдими?

– Яхши. Димоғи чоғ. Ишга киришиб кетган. Боғни обод қилиш билан жуда ҳам банд.

– Сен ёнида ёрдам бериб юрмаганингга ҳайронман. Ишончим комилки, миссис Ашлей сени истаган йўриғига йўрғалайдиган бўлмагунигча, қўймайди.

Луиза мендан қаттиқ хафа бўлиши эҳтимоли катта бўлса ҳам, мен уларнинг уйдан жадал чиқдиму банкка қараб от сурдим. Шундай қилиб тўрт соатча уйдан ташқарида бўлдим. Рейчелга кўрингим келмай, Секомбнинг хонасида жаранглайдиган қўнғироқни чалдим. У келиб дарвозани очгач, миссис Ашлей боғда уч соат тинмай ишлаганини ва ювиниш хонасига сув киритиб беришни сўраганини айтди.

Мен ҳам ювиниб олишга қарор қилдим ва ҳаммомдан чиқишимга кечки овқатни тайёрлаб қўйишни буюрдим...

...Рейчел ўтирган хонага кўтарилар эканман, бугунги қилган ишимдан бениҳоя хурсанд эдим.

Хонасига кириб борганимда Рейчел камин олдидаги курсида ўтирганча сочларини тараётган эди.

– Кираверинг ичкарига, ўтиринг, – деди менга.
Бориб ёнига ўтирдим.

– Нега тикилиб қолдингиз? Нима, ҳеч қачон соч тараётган аёлни кўрмаганмисиз? Шу ерда кутиб туринг, мен бориб кўйлагимни алмаштириб келаман. Кейин овқатланишга тушамиз.

У кийимини алмаштиришга чиқиб кетганида Секомб ҳомий отамдан боя ёзилган хатни келтириб, Рейчелнинг ётоқхонаси эшигини қоқди.

Мен ўзимни ноқулай ҳис қилиб, хонада у ёқдан бу ёққа юра бошладим. Рейчел хатни ўз ётоқхонасида ўқиди ва хонасидан важоҳат билан чиқиб келди:

– Мистер Кендаллга бу хатни ёзишга сиз мажбур қилгансиз. Мен сиздан пул сўраган эдимми? Мени жуда хафа қилдингиз ва уятга қўйдингиз, Филипп!

– Уятга қўйдим?! Сиз итальян тилидан дарс бериб пул ишласангиз, мен уялмасмидим? Одамлар Амброузни ким деб ўйлаган бўларди?! Бу пуллар Амброузники эди, энди сизники, олавермайсизми?!

Мен жуда ранжиган эдим. Иккаламиз бир-биримизга тик қараб турардик. Бирдан Рейчелнинг кўзлари ёшга тўлди. У шартта бурилиб ётоқхонасига кирди ва эшикни қарсиллатиб ёпди.

Шу куни кечки овқатни ёлғиз ўзим едим. Бу аёл зотининг феълени билиш қийин экан. У бирон нарсадан хафа бўлса, ҳамиша шунақа ҳўнграб олармикан? Яхшиямки, хотиним йўқ, Худога

шукр! Бечора Амброуз! Унинг нақадар бахтсиз бўлганлигига ҳайрон қолмасам ҳам бўлар экан.

Хотин шундай бўладиган бўлса, ҳеч қачон уйланмайман! Овқатдан кейин бироз китоб ўқий деб, курсида ўтирган жойимда ухлаб қолибман. Уйғонганимда вақт анча кеч бўлиб қолганди. Мен ўрнимдан туриб ётоқхонамга қараб юрдим. Хонамга кирсам, каравотим ёнида Рейчелнинг менга ёзган кичиккина хати турарди:

«Азиз Филипп! Мени қўполлигим учун кечиринг. Мен мистер Кендаллга миннатдорчилик билдириб хат ёздим. Сизга ҳам меҳрибончилигингиз учун раҳмат.

Рейчел».

Хонамдан чиқиб Рейчел ўтирадиган хона эшигига қарадим. Эшик ланг очиқ эди. Шундай бўлса-да, ётоқ эшигини қоқдим.

Ичкаридан «киринг», деган овоз эшитилди.

Ётоқхона анча қоронғи бўлса ҳам каравотда ётган Рейчелни аниқ кўрдим.

– Сизга ёзиб қолдирган номангиз учун раҳмат айтгани ва хайрли тун тилагани кирдим. Сизни хафа қилганим учун мени кечиринг. Мен сизнинг кўз ёш тўкишингизни мутлақо истамаган эдим.

– Сиз Амброузни эслатганингиздан йиғлаб юбордим. Мен сиз берган пулни оламан, Филипп. Аммо кейинги ҳафтада бу ердан жўнаб кетаман.

– Мен сизга бизникида яшаш ёқди, деб ўйлаган эдим. Кўринишдан жуда бахтиёр эдингиз, боғда

қанча ишларни амалга оширдингиз. Сизнинг уйингиз шу ерда. Агар Амброуз кутилмаганда дунёдан ўтиб қолмаганида уйни сизга қолдириш чораларини кўрган бўларди. Сирасини айтганда бу уй сизники...

– Э Худойим-ей! Сиз мени бу ерга нега келди, деб ўйлаяпсиз?

Мен чўзилиб ётган Рейчелга қарадим. У жуда ёш ва шу билан бирга жуда ёлғиз эди.

– Нега келганингизни билмайман. Бироқ Амброуз боғдаги гуллар ва дарахтларга қарашингизни ва шу ерда яшаб қолишингизни жуда истаган бўларди.

– Жуда яхши. Унда бу ерда яна биров яшайман.

– Фақат мендан бошқа хафа бўлмасликка сўз беринг, – дедим мен.

– Мен сиздан ҳеч қачон хафа бўлмаганман, Филипп. Фақат баъзан жуда эси йўқ одамга ўхшаб иш қиласиз-да... Филипп... Яқинроқ келинг...

Мен унга юрагим дуккиллаб урганча яқин бордим. У юзимни икки кафти орасига олиб ўзига тортди ва лабларимдан ўпди.

– Энди эсли бола бўлиб, хонангизга боринг-да, ухланг...

Мен ҳозирги ҳолат тушимда содир бўлдим, ё ўнгимдами, англолмай, довдираганча эшик томон юрдим.

Хонамга қайтиб киргач, ҳомий отам Ник Кендаллга мактуб битишга киришдим. Мен унга Рейчел биз бераётган пулларни олишга рози бўлганини ёздим. Кейин пастга тушиб хатни почта

Дафна дю Морье

халтасига солдим. Секомб эрталаб бу мактубни жўнатиб юборади. Шу пайт халтача ёнидаги икки-та хатга кўзим тушди. Бу хатларни Рейчел ёзган бўлиб, биттаси ҳомий отам Ник Кендаллга, биттаси Флоренцияга, жаноб Райналдига ёзилган эди. Мен бу икки хатга қараганча, туриб қолдим. Нега Рейчел синьор Райналдига хат ёзди. Қизиқ унга нима ҳақда ёзди экан?



Тўққизинчи қисм

Амброуздан қолган қути

Октябрнинг ўрталари бўлса ҳам, ҳали намгарчилик бошланмаган, об-ҳаво жуда яхши эди. Рейчел ҳар куни боғда гуллар ва кўчатларни парвариш қилиш билан банд. Шунингдек, ён-атрофдаги ўзимизга тегишли далалар ва фермаларни ҳам айланишга вақт топардик.

Бизнинг далалар ва боғларда ишлайдиган барча ишчилар Рейчелни жуда ёқтириб қолишди. Агар улардан бирортаси бетоб бўлиб қолса, Рейчел уларни ўзи шифобахш ўсимликлардан тайёрлаган доривор қайнатмалари билан даволарди. Баъзан яқин ўртадаги қўшниларимиз бизникига кечки овқатга ташриф буюришар, баъзан Рейчел уларникига меҳмонга борарди.

Кейин, кечки овқат пайтида Рейчел менга куннинг қандай ўтгани, кимларни кўрганини, нималар ҳақида суҳбатлашгани ҳақида гапириб берар, мен уни жон-дилим билан тинглардим. У кўп ҳазил қилар ва мени кўп кулдирадди.

Ойнинг охирига бориб ҳаво кескин ўзгарди. Ёмғир ҳар куни ёғар, ҳаво ҳам анча совиб қолган,

бориш-келишлар ҳам, боққа чиқиб ишлашлар ҳам тўхтади.

Бир куни эрталаб Рейчел билан кутубхона деразасидан ташқаридаги челақлаб қуяётган ёмғирни томоша қилиб турардик. Хонага кириб келган Секомб бизга Амброузнинг буюмлари солинган қутиларни эслатди. Бу қутилар ҳамон менинг хонамда турар, биз уларни очиб ҳам кўрмаган эдик.

Қутиларни оча бошладик. Биринчи қути Амброузнинг кийимларига тўла эди. Рейчел кийимларга кўзи тушиши билан йиғлаб юборди. Кейин у менинг қўлларимга ўзини беҳол ташлади, унинг сочлари менинг бўйнимга тегиб турарди.

– Оҳ, Филипп! Мени кечиринг! Ахир уни иккаламиз ҳам қаттиқ севардик.

Мен секингина унинг сочларидан ўпдим.

– Хафа бўлманг, мен ҳам ортиқ куйинмайман, — дедим унинг елкасидан қучоқлаб турар эканман, кўпам изтироб чекаверманг...

Шу кундан бошлаб мен уни ўзимга анча яқин ола бошладим.

Рейчел йиғидан тўхтади ва биз бошқа қутиларни ҳам оча бошладик. Бу орада Амброузнинг кийимларини далаларимизда ишлайдиган ишчиларга бўлиб беришга қарор қилдик.

Шундай қилиб барча қутиларни бир-бир очиб, китоблар ва бошқа буюмларни ҳам чиқариб ола бошладик. Шу пайт Амброуз ўзи билан олиб кетган боғдорчилик ҳақидаги китобни кўриб қолдим. Уни қўлимга олиб энди варақлаётган эдим, ораси-

дан бир парча қоғоз полга учиб тушди. Бу номани Амброуз менга ёзган эди:

«Бу аёл пулни аёвсиз сарфлаяпти. У пул касалига дучор бўлганга ўхшайди. Иш шу тахлит давом этса, бисотимизда пул ҳам, бошқа нарса ҳам қолмайди. Филипп, сен Кендаллга айт, шу аёлнинг ўтмишини бир суриштириб кўрсин...»

– Нима топиб олдингиз, Филипп? Амброуз бирор нарса ёзиб китоб орасига солиб қўйган эканми?

– Йўқ, ҳеч нарса эмас, – дедим-да, мактубчани ёниб турган оловга ташладим.

Биз жимгина қутилардаги буюмларни олишда давом этдик.

Кўп ўтмай, эрта тонгда Лондондан Рейчел буюртма қилган кийим-кечак ва ҳар хил буюмларга тўла қутилар етиб келди.

Янги кўйлақлар бўлса керак, ҳойнаҳой. Эсимга лоп этиб Амброузнинг хатидаги гаплар тушди: «Унинг бу одати касалликка ўхшайди. Шу тахлит-да кетса бисотимизда пул ҳам, бошқа нарса ҳам қолмайди».

Тушликдан кейин кутубхонага чиққанимизда, курсиларнинг устига олтинранг ва мовий матоларни ташлаб қўйилганини кўрдим.

– Бу матолар сизга ёқдими, Филипп, – деди менга қараб Рейчел. – Улар Италиядан келтирилди. Мен улардан сизнинг хонангиз деразаларига дарпардалар тиктираман.

– Умид қиламанки, улар ўта қимматбаҳо эмас, – деб жавоб бердим.

– Ҳа, шундай-ку-я, лекин бунинг нима аҳамияти бор?

– Сизга ёқса бўлди, мендан сизга совға...

Хатни эслаб, Амброузнинг ҳақлигидан кайфиятим бузилди. Бироқ Рейчелга ҳеч нарса демадим.

Иккаламиз ҳам камин олдидаги курсиларга ўтирдик. Рейчел Италияда кечган ҳаёти ҳақида ҳикоя қила бошлади. У Амброуз билан учрашиб қолган пайтларини эсларкан, кутилмаганда «Сиз ўтга ташлаган варақда Амброуз нималарни ёзган экан», деб сўради.

– Тўлиқ хат эмас, кичиккина ёзув эди. У пул масаласида нималардир ёзган экан, нималиги аниқ эсимда йўқ, – дедим. Лекин Рейчелнинг нигоҳидан у менга ишонмаганини сездим.

– Бор йўғи шу гапми? Бечора Амброуз! У Италиядаги ҳаёт бошқачалигини тушунмай ўтиб кетди. У мени жуда кўп пул сарф қилишда айбларди. У то бетоб бўлиб қолгунча жуда жўмард эди. Касал бўлди-ю, бутунлай ўзгарди.

– Унинг ўзгарганини қандай сездингиз?

– Мен ҳовлимизнинг харажатлари учун пул сўраганимда жуда жаҳли чиқди. Кейин хизматкорларга маош тўлаш учун Райналдидан пул сўрашимга тўғри келди. Буни билиб қолган Амброуз Райналди бизникига келиб туришини тақиқлаб қўйди. Бошимдан шунақа оғир кунлар ўтган. Буларни сизга айтмоқчи эмас эдим, Филипп. Амбро-

уз жуда оғир дард чекди. Сиз бу нарсаларни билмаганингиз маъқул эди, Филипп.

– Энди булар ҳаммаси ортда қолди. Ўзингизни ҳар хил хотиралар билан қийнаманг. Энди Амброузни ортга қайтаролмайсиз. Энди бу уйда янги ҳаёт бошланг.

Рейчел менинг кўзларимга тик қаради.

– Сиз Амброузга шу қадар ўхшайсизки... Сиз ҳам бир кун келиб унга ўхшаб ўзгариб қоласизми, деб қўрқаман. Сиз унга ўхшамаслигингиз керак, Филипп...

Мен унинг қўлларидан тутдим.

– Мен ҳеч қачон ўзгармайман. Амброузни ҳам унутмаймиз. Энди бу уйда иккаламиз Амброузни қалбимизда асраб яшаймиз.

– Сиз мени жуда авайлайсиз, Филипп, – деди у эшик томон йўл олар экан. – Илоҳо вақти келиб, сиз ҳам Амброуз иккаламизнинг учрашган пайтимиздаги сингари чексиз бахтиёр бўлинг.

У шундай деб ётоғига чиқиб кетди. Кутубхонадаги олови гуриллаб ёниб турган камин ёнида ёлғиз қолдим. Мени ич-ичимдан ўртайдиган рашк яна маҳв этди. Бироқ бу ҳис Амброузни хотинидан қизғаниш туйғуси эмас, балки Рейчелнинг бир пайтлар бўламга бўлган муносабати – бахшида қилган меҳр-муҳаббатидан ўртаниш эди...

Исо таваллуди байрамидаги совғалар

Кейинги йилларда қиш фаслини бутунлай ёқтирмай қолган эдим.

Аммо Рейчел бу уйга келганидан буён менга фаслнинг яхши-ёмони қолмаган, барчаси баҳор каби ёқимли эди. Рейчел ёнимда эди ва мен бахтиёр эдим. Агар у уйдан бирор ёққа кетса, қайтиб келгунича юрагим сиқилиб кетарди. У келди дегунча, бутун олам ўзгарарди гўё. Атрофдагиларга ўхшаб, мен ҳам Рейчелни жуда гўзал аёл деб билардим. У кириб келиши билан ҳар қандай хона чароғон бўлиб кетар, оддий нарсалар сирли ва гаройиб туйила бошларди.

Айни пайтда биз унинг кичкинагина хонасида худди улар Амброуз билан Флоренцияда бирга ичгандек, бирга тизана ҳўплаб ўтирардик. Шу ўтирганларимиз ҳаётимдаги энг бахтиёр пайтларим бўлди.

Бироқ шу тизанани ичгач, ухлаёлмай қийналардим.

Баъзан Рейчелнинг Лондонга боргиси келиб қолар, у кетгач эса ўзимни ниҳоятда ёлғиз ва бахтсиз ҳис қилардим.

Амброуз ҳаётлигида Исонинг таваллуд байрамини ишчиларимиз билан бирга нишонлардик. Бу йил мен ҳам шундай нишонлашга қарор қилдим.

Буни эшитган Рейчел ҳам жуда хурсанд бўлди. У байрамдан бир неча кун аввал тайёргарликни бошлаб юборди.

Лондондан ҳар хил нарсалар ортилган арава келганида, ҳойнаҳой, совғалар ҳам ташкил қилди, шекилли, деб ўйладим. Рейчел байрамга ҳар хил кулчалар пиширишни бошлаб юборди.

Фақат бир масала мени безовта қила бошлади: Рейчелга нима совға қилсам экан?! Мен бу ҳақда жуда узоқ ўйладим ва хаёлимга ажойиб фикр келди. Бизнинг оилага тегишли қимматбаҳо тақинчоқлар эсимга тушиб қолди.

Бу заргарлик буюмлари ниҳоятда нодир ва қимматбаҳо бўлиб, банкда — қулфланадиган махсус қутида сақланарди. Уч ойдан сўнг менинг туғилган кунимда, йигирма беш ёшга тўлганимда барча бойликларимиз билан ўша тақинчоқлар ҳам шахсан менинг тасарруфимга ўтади. Бироқ мен бу тақинчоқни тезроқ Рейчелга совға қилгим келар ва яна уч ой кутишни мутлақо истамасдим, зеро, бунга сабрим ҳам етмасди.

Мен ҳомий отам Лондонга кетганлигидан фойдаланиб, банкка бордим. Банк бошқарувчига Ашлейларга тегишли қимматбаҳо тақинчоқларни кўрсатишини сўрадим. Бошқарувчи қутиси билан олиб чиққан безаклар ичида

шаффоф олмослар, ёқут ва зумрад тошлар билан безатилгани ҳам бор эди. Рейчел фақат қора кўйлақлар кияди, у қора кийим билан бундай рангдор тақинчоқни тақишни хоҳлармикан?..

Кейин бошқа бир тақинчоқни қўлимга олдим. Бу ҳам тоза олмос ва асил дурлардан ясалган бўлиб, у қадар рангдор бўлмаса ҳам қимматбаҳоликда олдингисидан қолишмас эди. Мана шуниси Рейчелинг оппоқ бўйнига жуда ярашса керак...

– Бу тақинчоқни сўнгги марта сизнинг онангиз таққан эдилар. Буни Ашлейлар оиласига мансуб аёллар фақат ўзларининг тўй кунларигина тақишган.

– Бу олмос тақинчоқни ўзим билан олиб кетаман, – дедим банк бошқарувчисига қараб.

Бошқарувчининг бу фикримдан норози эканлиги сезилиб турарди.

– Сиз то апрель ойигача, яъни расман эгалик ҳуқуқини қўлга киритмагунча бундай қилолмайсиз. Шунингдек, бу ишингиз жаноб Кендаллга ҳам маъқул бўлмайди, – деб ўйлайман.

– Жаноб Кендалл билан ўзим гаплашаман, – дедим тақинчоқни қутиси билан кўтариб жўнарканман.

Мен бу тоза дурлар Рейчелга муносиб совға бўлишини билардим. Бу тақинчоқни унинг бўйнида тасаввур қилиб кўнглим шод бўлди. Байрам арафасида Секомб арча буталари келтириб, ўтирадиган жойимизни одатдагидай безади. Байрам меҳмонлар келгач, соат бешда бошлана-

диган бўлди. Байрамона таомлар ейилгач, ҳам-ма ўзининг совғаларини оладиган бўлди. Шу жумладан, Рейчел ҳам ажойиб туҳфани мендан қабул қилиб олади. Байрамларда кийиладиган кийимларимни кийишдан олдин совғамни кичкинагина мактуб билан Рейчелнинг хонасига – кўзи тушадиган жойга қўйдим. Номада қўйидагилар ёзилган эди:

«Буни сўнги марта менинг онам бўйнига таққан. Энди бу тақинчоқ сизники. Сиз уни шу кеча ва бундан кейин ҳамиша тақиб юришингизни истайман.

Филипп».

Ўзим кийиниб тайёр бўлгач, пастга тушиб, Рейчелнинг келишини кута бошладим. Анча вақтдан кейин у кириб келди. У қора либосда эди ва менинг бу кўйлагини илгари кўрмаган эдим. Рейчелнинг бўйнини мен туҳфа қилган олмос тақинчоқ безаб турар, мен шу кунгача уни бу қадар бахтиёр кўрмаган эдим. Тақинчоқ унинг ҳуснини янада очиб юборган, у кўзимга ҳар доимгидан-да гўзал кўринди. У ёнимга келиб, бўйнимдан қучоқлади ва назокат билан ўпди. Бу шунчаки бўса эмас, севишган қалбларнинг ташналик бўсаси эди. Мана – Амброуз ўлимининг сабаби! Бундай бўсадан кейин ҳар қандай одам ҳам бахтдан жон таслим қилиши ҳеч гап эмас!

У менинг қўлларимдан тутди ва биз меҳмонхонага биргаликда кириб бордик.

Дафна дю Морье

Аввало, бу кеч, бу байрам менинг ҳаётимда энг бахтли онлар бўлиб қолади, деб ўйладим.

Аммо... Эсимда қолгани дастурхондаги таомлар ва ҳар хил ёқимсиз овозлар бўлди. Рейчел ҳаммага астойдил танлаб совғалар сотиб олган экан, эгаларига топширди. Менга калитларимни осиб юриш учун тилла занжирча тегди. Бу занжирчага Рейчел «Р.А. Р.А.» деб ўз исмининг бош ҳарфларини ёздирган экан. Фақат нега Р.А. икки марта ёзилган? Шундай савол хаёлимга келди-ю, азбаройи бахтиёрлигимдан бу ҳақда узоқ ўйлаб ўтирмадим. Ликопчаларимиз тансиқ таомларга қайта-қайта тўлдириллар, финжонларимиз ҳам ёқимли ичимликлардан тез-тез бўшаб турарди.

Кейин яна ҳамма арча остида бир-бирларига совғалар улашишди.

Меҳмондорчилик охирлаб қолаёзганда ҳомий отамга қараб биринчи марта сўз айтдим:

– Хайрли кеч, жаноб, Исо таваллуд кунини муборак бўлсин!

У кўринишдан нимадандир жуда норози эди, шунингдек, у менга жавобан ҳеч нарса демади. У кеча давомида Рейчелнинг бўйнидаги олмос тақинчоқдан кўзини узмай ўтирганини ҳам сезган эдим. Кўп ўтмай, байрамни биз билан нишонлашга келган ишчиларимиз бир-бир хайрлашиб кета бошладилар. Рейчел билан Луиза тепага – кутубхонага чиқиб кетишди. Ва биз Ник Кендалл билан ёлғиз қолдик.

– Мен банк маъмуриятидан жуда нохуш хабар эшитдим, – деб гап бошлади у. – Миссис Ашлей кўпдан буён банкдан биз белгилаган суммадан бир неча баробар кўпроқ пул олаётган экан. Мен бунинг сабабини тушунмадим. Назаримда, у банкдаги ҳисобимиздан олган пулларни Италияга жўнатиб турганга ўхшайди.

– У жуда қалби дарё ва сахий аёл. Менимча, унинг Флоренцияда кимдандир қарзи бор. Сиз миссис Ашлейга янада кўпроқ пул ажратишингиз керак, – дедим ҳомий отамга жавобан.

Ник Кендалл жуда норози оҳангда жавоб қилди:

– Бу ерда бошқа гап бор, менимча, Филипп. Кейин сен унинг бўйнидаги тақинчоқни ҳам олишга ҳаққинг йўқ эди, Амброузнинг бойликлари ҳали сенинг ихтиёрингга ўтгани йўқ!

– Барибир атиги уч ойдан кейин ҳамма нарса меники бўлади. Унгача Рейчел бу тақинчоқни бир нарса қилиб қўймайди, у жуда эҳтиёткор аёл, авайлаб тақиб юради.

– Менинг бунга ишончим комил эмас. Мен унинг биринчи эри билан кечган ҳаётини суриштирдим. Миссис Ашлей унинг барча пуллари талон-торож қилиб юборган экан. Шундан кейин биринчи эри ҳам бетоб бўлиб дунёдан ўтган.

Мен дарҳол эътироз билдирдим:

– Бу гаплар ёлғон! Бундай бўлиши мумкин эмас, – деб қичқирдим ҳатто.

– Менинг гапларим тўғрими-йўқми, бундан қатъи назар, қимматбаҳо тақинчоқни банкка қайтаришингга тўғри келади, Филипп.

– Мен Рейчелдан совға олганман. Қандай қилиб ўз совғамни қайтариб оламан? У менинг совғамни тақиб юришга ҳаққи бор!

– Агар Амброуз ҳаёт бўлганида унинг бу тақинчоқни тақибга ҳаққи бўларди. Ҳозир ҳеч қандай ҳуқуқи йўқ. Агар сен қайтариб беришини сўрай олмасанг, буни мен қиламан!

Кутилмаганда Рейчел билан Луиза хонага кириб келишди.

– Сиз ҳақсиз жаноб Кендалл, – деди Рейчел. – Мен бу тақинчоқни қанчалик гурур билан таққан бўлсам, худди шундай қайтариб ҳам бераман. – У бўйнидаги олмос шодани ечиб Ник Кендаллга узатди.

– Раҳмат, миссис Ашлей, – деди Кендалл. – Энди биз Луиза иккаламиз уйимизга қайтамиз... Сизларга эса байрамни хурсандчилик билан давом эттиришни тилаймиз.

Улар жўнаб кетгач, Рейчел менинг қўлимдан қўлини тортиб олди. Мен зиналардан кўтарилаётган Рейчелнинг ортидан эргашдим.

– Мени кечиринг, Рейчел, бу тақинчоқни охирги марта менинг онам таққан. Мен барибир у сизники бўлишини истайман.

– Мен сизни тўғри тушундим, Филипп. Агар Амброуз иккаламиз бу ерда турмуш қурганимизда мен бу тақинчоқни, албатта, ўз тўйимда таққан бўлардим.

Мен унга ҳеч нарса демадим. У мени тушунмаган эди. Мен унинг Амброуз билан бўлган тўйини эмас, келажакда бўлиши мумкин бўлган ўз тўйимизни назарда тутган эдим...



Ўн биринчи қисм

Райналди яна пайдо бўлди

Янги йил бошланган, менинг туғилган куним – биринчи апрелга эса ҳали уч ой бор эди. Ўз пулларим ва барча мулкимга тезроқ эга бўлишни қанчалар исташимни билсангиз эди!

Мен Ник Кендаллнинг ҳомий оталигидан жуда безор бўлган эдим. Бироқ баҳоли қудрат ўз пулларимдан олиб турардим. Рейчел учун боғимизни янада яшнатиб юборишга қарор қилдим. Боққа шундоқ ҳам жуда кўп ўзгартириш киририлган эди. Янги йил бошидан яна йигирмата хизматчи олдим. Бу ишчиларнинг иш ҳақи қанча бўлишини ҳомий отамга маълум қилиб турдим. Рейчел иккаламиз боққа ўтқазиладиган янги мевали дарахтлар ва гуллар бўйича режа ҳам туздик. Шунингдек, боғ ўртасида сув ҳавзаси яратиш ишлари эса бошлаб юборилди. Бу сув ҳавзасининг дизайнини Рейчелнинг боғдорчиликка оид китобларидан бирдан топдик. Ҳовлимизда ишчилар азбаройи кўпайиб кетганидан бир мунча вақт меҳмон қабул қилмадик. Рейчел иккаламиз иш билан банд бўлсак ҳам ҳамиша бирга эдик ва мен бундан жуда хурсанд эдим. Унинг

қовлимизда ишчиларга топшириқ бериб юришини томоша қилишдан ниҳоятда завқланардим, ёқимли овозини тинглашдан бахтиёр бўлардим, қўллари менга тегиб кетса, юрагим дукиллаб уриб кетарди...

Баҳорнинг биринчи кунларидан ҳаво анча исиб қолди.

Аммо... Яна менинг қувочимни йўққа чиқарадиган воқеа содир бўлди.

Мен Амброузнинг кийимларидан бирини ўзим кийиш учун олиб қолган эдим. Бир куни ёлғиз ўзим дарахтзорлар оралаб сайр қилиб юрган эдим, кутилмаганда кийимнинг ички чўнтагида қандайдир қоғоз борлигини сездим. Олиб қарасам, Амброузнинг менга ёзган, бироқ жўнатмаган (балки иложи бўлмагандир) мактуби экан. Мен бу хатни ўзим ёлғиз юрган пайтимда топиб олганимдан хурсанд бўлдим. Ўзимизга тегишли даланинг олисроғига, тепалик устига чиқиб ўтирдим. Бу ерда ўтиришни Амброуз ҳам жуда яхши кўрарди. Атрофда ҳеч ким йўқлигига ишонч ҳосил қилгач, хатни чўнтакдан чиқардим. Бироқ негадир очиб ўқигим келмас, аммо ўқимасам ҳам бўлмас эди. У Рейчел ҳақида бирон ёмон гап ёзган бўлишидан жуда қўрқардим. Айни пайтда мен Рейчел билан бахтиёр эдим ва унинг ўтмишини ўйламасликни, иложи бўлса бутунлай унутишни истардим. Ва ниҳоят хатнинг жилдини очиб, мактубни чиқардим. Хат Амброузнинг вафотидан уч ой бурун ёзилган эди. Аммо жўнатмаган, тўғрироғи, жўнатолмаган шекилли...

«Рейчел, – деб ёзган эди Амброуз, – бир марта фарзанд кўрган. Бироқ у кўп яшамаган, гўдаклигидаёқ нобуд бўлган. Шифокорлар унга энди қайтиб фарзанд кўрмаслигини айтишган. У энди бутун вақтини богда ўтказади ва орқа-ўнгига қарамай, пул сарфлайди. Менимча, Райналди Рейчелни севади. Агар менга бир гап бўлса, мол-мулкимга Рейчел эмас, Райналди эга чиқади. Шунинг учун Рейчелга ҳеч бирор нарса васият қилиб қолдириш менинг режамда йўқ.

Ҳозир бош оғригим жуда кучайган. – Амброуз бу оғриқ сабаб анча кескин гапирадиган бўлиб қолганини, иссиғи қаттиқ кўтарилиб, талвасага тушгандан буён ўзини жуда нимжон ва камқувват ҳис қилаётганини ёзган ва мактуб давомида қуйидагиларни баён этган эди: – Менга фақат сен ёрдам бера оласан, Филипп. Сен мени булардан қутқармасанг, улар иккаласи пулларимга ва бойлигимга эгалик қилиш учун, албатта, мени заҳарлаб ўлдиришади».

Шу билан мактуб тугаган эди. Мен бу даҳшатли хатни катта ва оғир бир тошнинг остига бекитдим-да, бошимда минг хаёл билан судралганча уй томон кета бошладим. Амброуз ёзган бу гапларни асло унутиб бўлмас эди. Шунингдек, хат ва унинг мазмуни ҳақида Рейчелга оғиз очмасликка қарор қилдим.

Уч ҳафтадан кейин Амброуз ҳисоб рақамидаги пуллар, унга тегишли далалар, боғлар, фермалар ва уйга эгалик ҳуқуқини оламан. Бироқ бундай

бўлиши тўғри эмас. Амброуз оғир бетоблиги ту-
файли хотинига ҳеч нарса қолдирмаган. Аслида
буларнинг бари Рейчелники бўлиши керак. Эҳти-
мол, у бу хатни ёзганидан кейин васиятини ўз-
гартиргандир...

Шу кеча мен Рейчелдан Амброуз васият қол-
дирганмиди, деб сўрадим. У менга васиятнома-
нинг кўчирма нусхасини кўрсатди. Мен ҳужжатни
диққат билан ўқиб чиқдим. Ёзилишича, Амброуз-
нинг ҳамма нарсаси Рейчелга қолдирилган эди.
Агар Рейчел ҳаёти давомида фарзанд кўрмай ва-
фот этса, бойликлар менга ўтарди.

– Менга айтинг-чи, Рейчел, нега Амброуз васи-
ят ҳужжатларидан бизга нусха юбормади?

– Билмайман, – деди у секингина, – эҳтимол, у
фарзанд кўролмаслигимизни билганидан кейин
фикри ўзгаргандир... Эҳтимол, жўнатиш шунча-
ки эсидан чиққандир. Лекин Амброузда қаттиқ
бош оғриғи бошланганда у мендан жуда ёмон нар-
саларни шубҳа қила бошлади. У пайтлар ҳақида
гапириш менга жуда оғир. Мени ёлғиз қолдиринг,
Филипп. Мен бошқа саволлар эшитишни ҳам, жа-
воб беришни ҳам истамайман.

– Бу саволларни беришимнинг сабаби бор. Нега
савол бераётганимни уч ҳафтадан кейин ўзингиз
тушуниб оласиз.

– Эртаси куни эрталаб ҳуқуқшунос билан
маслаҳатлашиб, пуллар ва барча мулкимиз-
ни Рейчелга расмийлаштириш учун отга миниб
шаҳарчамиз марказига – банкка жўнадим. Ту-
зилган ҳужжат бўйича уч ҳафтадан кейин менинг

барча мол-мулким Ашлей хонимга ўтадиган бўлди. Қимматбаҳо дур ва олмос тақинчоқлар ҳам уники бўлади. Аммо у ерларимиз, фермаларимиз, боғимиз ва уйимизни ҳам сотмаслик шарти билан эгалик ҳуқуқини қўлга киритади.

– Сизга бир саволим бор, – деди ҳуқуқшунос, – Ашлей хоним ҳали жуда ёш. Агар у яна турмушга чиқса, бу молк-мулк ва сармоялар нима бўлади?

Мен масаланинг бу томонини ҳам ўйлаган эдим.

– Далалар, фермалар, боғ, уй ва сармоялар ҳаммиша фақат Ашлейларники бўлиб қолади. Агар Ашлей хоним яна эрга тегса ё вафот этса, буларнинг бари менга қайтиб ўтади. Шунини ҳужжатга аниқ-тиниқ қилиб киритинг, – дедим.

Ҳуқуқшуносна мазкур ҳужжат қаттиқ сир сақланиши кераклигини таъкидладим. У рози бўлди ва:

– Ҳужжатнинг бир нусхаси март ойининг охириги куни қўлингизга етказилади, – деди.

Отда уй томон елиб борарканман, ниҳоятда хурсанд эдим:

«Энди жондан азиз севгилим Рейчел ҳеч қачон мени ташлаб кетолмайди. Бундан буён бизнинг келажагимиз бир, энди бирга жуда шод ва бахтиёр яшаймиз».

Отни хизматкорга топшириб уйга кириб келганимда кутубхонадан аввал Рейчелнинг шодиёна қаҳқаҳаси эшитилди ва эшик очилиб ўзи ҳам кўринди.

– Киринг ичкарига, Филипп! Менинг меҳмоним билан кўришинг! У олис йўл босиб иккаламизни кўргани келибди.

Эркак ўрнидан туриб саломлашиш учун менга қўл узатди.

Рейчелнинг меҳмони Райналди эди. Биз тик турганча бир-биримизнинг кўзимизга тик қарадик...

Учаламиз ҳам ўтиргач, Райналди йўлда содир бўлган саргузаштларини сўзлай бошлади.

Рейчел эса, «Райналди бизникида бир неча кун меҳмон бўлса яхши бўларди», деди.

Мен индамадим. Кечки овқат пайтида улар мен билмайдиган жойлар ва одамлар ҳақида суҳбатлаша бошладилар.

Кейин секингина италянча сўзлашга ўтиб олишди. Мен уларнинг бирорта гапини ҳам тушунмаганим учун жимгина овқатландим. Бироздан сўнг Рейчел менга қараб:

– Сиз бизни кечиринг, Филипп, биз Райналди билан ўзимизнинг бизнесимизни муҳокама қилиб олдик. У баъзи ҳужжатларни олиб келган, мен улар билан танишиб чиқишим керак, – деди-да, ўрнидан турди.

Унга қўшилиб Райналди ҳам қўзғалди ва улар юқори қаватга кўтарилишди, мен бир ўзим боққа чиқиб кетдим. Банкдан қайтаётгандаги қувончимдан асар ҳам қолмади, мен ўзимни ниҳоятда бахтсиз ҳис қилдим. Райналди жойлашган хонанинг чироғи ўчгунча ташқарида юрдим. Энди хонамга кириб келган ҳам эдимки, шу заҳоти эшигим тақиллади.

Эшикни очишим билан Рейчел ёқимли овоз билан шивирлади.

– Сизга хайрли тун тилагани келдим, Филипп... Нега боққа чиқиб кетдингиз, биз билан тизана ичишга ҳам келмадингиз? Райналдига озгина марҳамат кўрсатинг, Филипп. У менинг жуда эски қадрдоним...

Райналди бизнинг уйимизда етти кунча қолиб кетди. У Рейчел билан кулишиб, ҳазиллашиб гаплашиши менинг асабимга тегар, ичимда ундан қаттиқ нафратланардим. Ахийри у кетадиган кун ҳам етиб келди. Райналди биз билан хайрлашаётиб Рейчелнинг қўлини назокат билан ўпиб ҳам қўйди.

– Сиз менга ўз режаларингизни ёзиб туринг. Мен ҳали бирмунча вақт Лондонда бўламан.

– Ҳозирча ҳеч қандай режа тузаётганим йўқ. Биринчи апрель ўтсин, кейин бошлайман, – деб жавоб қайтарди Рейчел жилмайганча.

– Ўйлайманки Филипп туғилган кунини хурсандчилик билан ўтказди. Менимча, бу туғилган кунингизнинг аҳамияти сиз учун жуда катта. Ахир чорак аср умр кўриш ҳам байрам қилишга арзигулик воқеа.

Ва ниҳоят Райналди жўнаб кетди. Рейчел эса менга жилмайиб боқди:

– Катта раҳмат, сиз меҳмон шу ердалигида ўзингизни ҳақиқий зодагонлардек тутдингиз. Мана энди яна иккаламиз ёлғиз қолдик, ўйлайманки, сиз бундан жуда хурсандсиз, – деди.

Ўн иккинчи қисм

Туғилган кун

Туғилган куним яқинлашган сайин, кутишдан сабрим тўлиб борарди. Рейчел менинг бесабрлигимдан кулар ва «Худди ёш болага ўхшайсиз-а, Филипп», дерди.

– Туғилган кунингизни қандай ўтказиш режасини тузаяпсизми, Филипп, – деди у бир куни.

Менинг ҳеч қандай режам йўқ эди. Фақат молмулк унга ўтишини айтадиган кунимни сабрсизлик билан кутаётган эдим, холос. Ҳаммасидан ҳам қизиғи, ҳомий отам Ник Кендалл ечиб олган қимматбаҳо тақинчоқни яна Рейчелга қайтариш ниятида эдим. Ҳатто банкка бориб, тақинчоқларни олиб келдим ва ўз хонамга – ишончли жойга яшириб қўйдим.

Мартнинг охири куни отга миндим-у, Кендалларнинг уйи томон шошилдим. Биринчи қилган ишим жаноб Кендаллга Амброузнинг ҳамма нарсани Рейчелга қолдиргани ҳақидаги васиятнинг кўчирма нусхасини кўрсатиш бўлди. Ҳомий отам ҳужжатни диққат билан ўқиб чиқди.

– Мен нега Амброуз бу ҳақда бизга маълум қилмаганини мутлақо тушунмаяпман. Биз унинг про-

дасига қарши бормаслигимизни биларди. Хотинига берардик ҳамма нарсани. Қизиқ... Жуда ҳам қизиқ...

– Нима бўлганда ҳам мен ҳамма нарсани унга беришга тайёрман, – дедим.

Ва унга ўзим ҳуқуқшунос билан тайёрлаган охириги ҳужжатнинг нусхасини узатдим.

– Диққат билан ўқинг. Фақат эсингиздан чиқарманг, ундаги шартларни Рейчел билмаслиги керак.

– Мен сеньор Райналди билан учрашган эдим. У менга Ашлей хонимнинг пулни орқа-ўнгига қарамай сарфлаш одати борлигини айтган эди. Сен тайёрлаган бу ҳужжат унга ҳамма нарсани истаганча талон-торож қилиб юборишига имкон беради. Шу сабаб сенга биттагина саволим бор, Филипп.

– Беринг саволингизни.

– Сен Ашлей хонимни севиб қолдингми?

Мен бирдан қизариб кетдим.

– Мен Амброузнинг хоҳишини амалга оширдим, холос!

– Лекин одамларнинг оғзида шу гап юрибди, Филипп. Бироқ Ашлей хоним бу ердан жўнаб кетиши ва турмушга чиқиши ҳам мумкин. Лекин сен қўлини сўрасанг, балки йўқ демас.

– Ишончим комилки, у йўқ демайди.

Ник Кендалл менга жуда ғамгин нигоҳ ташлади. Гўё биз Рейчел билан турмуш қуриб, никоҳ қоғозимизни қўлимизга олиб бўлгандек.

– Дунёда шундай аёллар борки, улар ўзларини севган одамларга фақат бахтсизлик келтирадилар. Қўрқаманки, Ашлей хоним айнан шундай аёллардан бири, Филипп.

Мен қуёш ботаётган бир пайтда уйга қайтиб келдим. Ювиниб, кийимларимни алмаштириб, овқатланадиган хонамизга тушдим.

Рейчел шунча вақтдан буён қаерда юргангани сўради. Мен жавобан шунчаки жилмайиб қўя қолдим.

Кечки овқатдан кейин бир жойда қимирламай ўтиришим қийин бўлди. Яна уйдан чиқиб, денгиз бўйига қараб кетдим. Осмондаги ой тўлин, кеча ёруғ ва илиқ эди. Кийимларимни ечиб, ўзимни муздек сувга отдим. Бироз сузиб юргач, яна чиқиб кийимларимни кийдим. Уйга қайтганимда соат кечки ўн бирдан беш дақиқа ўтган эди. Энди ортиқ кутолмасдим. Рейчелнинг деразаси остига келиб, исмини айтиб чақирдим. У ойналарни очиб кўришни берди.

– Сизга совғам бор, Рейчел, – дедим ва юқорига – тақинчоқларни олиш учун ўз хонамга югурдим.

Уларни олиб, Рейчелнинг хонасига чиқдим.

– Мана! Энди булар сизники, – дедим. – Соат ўн иккига бонг уриши билан йигирма беш ёшга тўламан ва барча мулкимга хўжайин бўлиб, кўнглим тусаган ишни қиламан.

Мен мулк Рейчелга ўтгани ҳақидаги ҳужжатни стол устига қўйдим ва қимматбаҳо тақинчоқларга тўла қутичани очдим. Рейчелнинг кўзлари ҳай-

ратдан катта-катта бўлиб кетди ва биз-биримизга қараб кулиб юбордик. Мен ўша қимматбаҳо олмос тақинчоқни унинг бўйнига тақиб қўйдим. Энди мен унинг бўйнига қараганимда уни таққан барча Ашлей хонимларни ҳам эслаб яшайман.

– Менга шунча нарса беряпсиз. Мен эса сизга кичкинагина занжирча совға қилдим, холос. Айтинг, нима совға қилай сизга, – деди Рейчел ҳаяжон билан.

Мен унинг қоп-қора кўзларига тикилдим. Улар шам ёғдусида ажиб сирли ёнарди.

– Мен фақат бир нарса истаيمان, – деб қулоғига шивирладим.

Рейчел шамдонда ёниб турган шамларни пуфлаб ўчирди.

Биз тун қоронғисида ёлғиз қолдик...

Мен унинг хонасида то қуёш уфқдан бош кўтармагунча қолиб кетдим.

Рейчел менинг муҳаббатимни ҳам, ўзимни ҳам қабул қилди, деб ўйладим. Лекин унинг хонасида бошқа тунаб қолмадим.

Рейчел ҳаётим давомида мен севган биринчи ва сўнгги аёл бўлди.

Ўша куни тонготар чоғи боғда қушлар айна сайраб ётган бир пайтда сархуш бўлиб сайр қилганим ҳамон эсимда. Ўйлагандимки, энди Рейчел иккаламиз ҳар куни, ҳар тонг, ҳар тун ҳамиша бирга бўламиз ва бахтли ҳаёт кечирамиз...

Хонамга қайтиб кириб ўзимни каравотга ташладим ва қотиб ухлаб қолдим. Нонуштадан сўнг яна

боққа чиқдим. Кўзимга чиройли кўринган гуллардан бир даста узиб Рейчелнинг хонасига кўтарилдим. У тўшакда ётган кўйи нонушта қилаётган экан. Қўлимдаги гулларни унинг бошидан оёғига-ча сочдим.

– Яна бир марта хайрли тонг, Рейчел! Мен сизга бир гап айтишга келдим: мен сизни севаман!!!

Рейчел менинг дил изҳоримдан хурсанд бўлиб кетмади. Ҳатто жилмайиб қўймади. Аксинча:

– Сиз менинг хонамга бу қадар эрта кирманг, хизматкорлар ҳар хил хаёлга бориши мумкин, – деди.

Мен унга яна жилмайиб қарадим. Бироқ ҳеч нарса демадим ва зиналардан пастга тушиб кетдим. Мен хизматкорларимизга «Бундан кейин Рейчел билан турмуш қуриб бирга яшаймиз», деб аймоқчи бўлдим.

Бироқ бу қароримдан қайтдим. Яхшиси, бу ҳақда Рейчел иккаламиз биргаликда кейинроқ айтсак, янада яхшироқ бўлади, деб ўйладим.

Яна ўз хурсандчилигим ичимга сиғмай то Рейчел хонасидан чиқиб, пастга тушгунича боғда айланиб юришга қарор қилдим. Рейчел пастга тушса, иккаламиз от миниб далаларни, денгиз бўйларини айланамиз, деб хаёл қилдим. Бироқ уйга қайтганимда Рейчел аллақачон қаергадир кетиб қолган экан. Мен уни айвонда ўтириб узоқ кутдим, у эса ҳадеганда қайтавермади. Охири боғдан ташқарига чиқиб олисроқларда уни учратиб қолиш, қайтаётган бўлса кутиб олиш умидида кезина бошладим.

Ниҳоят, йўлда каретамиз кўринди. Мен уни тўхтатиб чиқиб, Рейчелнинг ёнига ўтирдим. Аммо севгилимнинг юзи кўринмас, у шляпаси устидан вуаль тутиб олган эди.

– Қаердан келяпсиз, – деб сўрадим ундан.

– Сизнинг ҳомий отангиз билан учрашдим.

– Энди ҳеч нарсани ўзгартиролмайсиз. Мен энди йигирма беш ёшдаман. Ва ўзимга тегишли ҳамма нарсани сизга бердим!

– Ҳа, мен буни тушундим. Аммо ишончим комил бўлиши учун Ник Кендаллнинг ёнига бордим.

Унинг овози совуқ жаранглади. Ўйлайманки, у менга жилмайиб ҳам қўйгани йўқ.

– Вуалингизни кўтаринг. Юзингизни кўргим келяпти, – дедим унга қараб.

У вуалини кўтариб менга қаради. Унинг кўзларида меҳр-муҳаббатдан асар ҳам йўқ эди.

– Бугун Луиза мени анча илиқ кутиб олди. У сизга лойиқ рафиқа бўлади, Филипп. Кейинчалик ҳаммамиз Лондонда учрашиб туришни режалаштирдик.

Унинг бу гапларидан қаттиқ ҳайратландим. У менга Луизани рўкач қилиб ёқимсиз ҳазил қилпти, деб ўйладим. Кейин у Лондон ҳақида ҳам гапирдими? Лондонда учрашиш ҳақида ҳеч қандай режа ҳам қилмаган эдик...

– Рейчел, юринг, дарахтзорда сайр қилайлик. Мен сиздан шу қадар кўп бўсалар олгим келяптики...

У бунга жавобан ҳеч нарса демади ва сумкаси-дан кичкина бир нарса чиқарди.

– Бу сизнинг туғилган кунингизга совға, – деди ва кичкинагина тилла тўғноғични бўйинбоғимга тақиб қўйди. – Агар менга ҳамма молмулк ва пулларни ўтказганингизни билганимда каттароқ нарса олган бўлардим, – деб қўшиб ҳам қўйди.

...Мен кечки овқатга тушиш олдидан кийинар эканман, фақат бир нарса ҳақида ўйлардим: унинг марҳаматига сазовор бўлишнинг ягона йўли – пул... Фақат пул...

Туғилган куним муносабати билан ясатилган стол атрофида Рейчел билан ёнма-ён ўтирдик. У бўйнига мен туҳфа қилган олмос тақинчоқни тақиб олган, ниҳоятда бахтиёр кўринарди. Қадаҳлар кетма-кет тўлдирилиб, табрик сўзлар янграй бошлади. Бир-икки қадаҳ винодан кейин меҳмонлар ҳам, ўзимиз ҳам жуда қувноқ ва шодон бўлиб қолдик. Вақт ҳам тез ўтаётгандай эди гўё. Шу туғилган кун шодиёнаси тугасин, Рейчел бугундан бошлаб менинг рафиқам бўлади.

Шу пайт эшик очилиб, Ник Кендалл қизи билан ташриф буюрди. Даврамиз янада жонланди. Ник Кендалл ўрнидан туриб мени туғилган куним билан табриклаб, ҳаётимда катта ютуқларга эришимизни ва туганмас бахт-саодатли бўлишимизни тилади. У сўзини тугатгач, мен ҳам қўлимдаги қадаҳни тўлдириб, ўрнимдан турдим.

– Ҳақиқатан ҳам ушбу дақиқалардан бошлаб мен дунёдаги энг бахтиёр эркак бўламан. Ва менинг ҳаётимда содир бўладиган ажойиб воқеа ҳақида биринчи бўлиб сизлар эшитишингизни ис-

тайман. Рейчел менга турмушга чиқишга ваъда берди. Энди фақат тўй қилишгина қолган, – дедим.

Мен жилмайганча ҳаммага бир-бир қарадим. Афсуски, Рейчелнинг юзи тош қотгандек совуқ кўринди, нигоҳларида ғазаб чақнарди гўё.

– Сиз ақлдан озиб қолибсиз, Филипп, – деди у гапимни тугатишим билан. Сўнг жаноб Кендаллга юзланди. – Сиз уни кечиринг, жаноб Кендалл. У ҳаддан ташқари кўп вино ичиб қўйди. Нима деётганини ўзи ҳам билмайди. Ўйлайманки, у сиздан, албатта, узр сўрайди.

У шундай деб шартта ўрнидан турди-да, юқорига – ўз хонасига чиқиб кетди. У кетгандан кейин бошқалар ҳам ўринларидан қўзғалдилар. Мен бу гаплардан кейин ўтирган жойимда қотиб қолгандек бўлдим. Ҳамма хайрлашиб чиқиб кетгач, Рейчел келиб яна жойига ўтирди.

– Филипп, яна аҳмоқона гапларни айтиб юбормаслик учун бориб жойингизга ётиб ухланг!

– Аҳмоқона гаплар?! Ўзингиз кеча тунда менга «мен ҳам сизни севаман», деган эдингиз-ку! Шу гапингиз менга эрга тегишга ваъда бериш эмасмиди? Энди нега менинг сўзларимни аҳмоқона деяпсиз?!

– Йўқ, Филипп. Бу сизга эрга тегаман, деганим эмас. Сиз менга совға қилган тақинчоқ учун миннатдорчилик юзасидан сиз билан бирга бўлдим, холос. У фақат миннатдорчилик эди, асло севги эмас!

Рейчелнинг совуқ рангига, муздек ялтираган кўзларига қараб Амброуз нега қаттиқ изтироб ичида яшаганини тушунгандай бўлдим.

У ҳамма бойлигимизни қўлига олиб бўлган эди. Эҳ, мен нима қилиб қўйдим?! Бирдан унинг башарасига тарсаки туширгим, кучимни кўрсатиб қўйгим келди. Қўлларимни узатиб томоғидан бўғиб олдим ва ва юзини ўзимга қаратгач:

– Сен менга эрга тегишга мажбурсан, – деб қичқирдим.

Унинг қоп-қора кўзлари ёшга тўлди. Мен секин бармоқларимни бўшатдим. Унинг оппоқ бўйнида бармоқларимнинг изи қизариб қолди. Рейчел зиналардан юқорига чиқа бошлади. Мен қаттиқ ҳақоратланганимни ҳис қилганча унинг ортидан юрдим. У хонасига кириб эшикни қарсиллатиб ёпди ва ичкаридан қулфлагани эшитилди.

Йўлакда қаққайиб турарканман, деворда осилган катта кўзгудаги аксимга қарадим: рўпарамдаги ранги оқариб кетган, шалвираган новча эркак ким? Менми ё Амброуз?

Хонамга кириб, ўзимни каравотга ташлаганимда соат ўн иккига бонг урди. Шундай қилиб, туғилган куним ниҳоясига етди.



Луиза ва лабурнум дарахти

Эрталаб нонушта қилиш учун пастга тушганимда стол устида бир мактуб турарди. Мактуб Рейчелдан эмас, Луизадан эди.

«Азиз Филипп! Кечаги, биз тугдирган ноқулайлик учун узр сўрайман. Агар юрагинг сиқилаётган бўлса, ким биландир дардлашгинг келса, мен дўстингман-ку, ҳамиша сен билан суҳбатлашишга тайёрман.

Луиза».

Биринчидан Луизани асло кўргим келаётгани йўқ эди. Бироқ кечаси билан ухламаган ва кечаги воқеалардан жуда асабим бузилган, ўзимни бахтсиз ва ночор ҳис қилаётган эдим, майли, бироқ гаплашиб ўтираман, зора, кўнглим очилса, деб ўйладим ва «Яхши бироздан сўнг черков ёнида кўришайлик», деб ёзиб, хизматкордан бериб юбордим.

Учрашдик.

– Мен сендан кўп вақтлар хафа бўлиб юрдим, Филипп. Чунки Рейчел келган кунидан бошлаб

сени алдар, сен эса соддалик билан унга ишонардинг. Буни биз сезардик.

– Мен хато қилдим, Луиза.

– Бироқ Ашлей хоним янглишмади. У бу ерга пулларни ва бошқа бойликларни қўлга кириштиш учун келган эди, мақсадига эришди. Бор йўқ гап шу.

– Йўқ, бундай бўлишига мен ишонмайман. Уни бу ерга Амброуз яшаган жойларни кўриш орзуси етаклаб келган. У бу уйда бахтиёр яшади.

– Йўқ, Филипп. У сен ўйлагандек содда эмас. У аниқ режа билан келди ва режасини амалга оширди. Бутун қиш давомида Италияга пул жўнатиб турди. У сенинг йигирма беш ёшга тўлишингни кутди. Унгача бор-йўғингни қўшқўллаб топширадиган даражада бошингни айлантирди.

– Сен Рейчелни ёқтирмаслигингни биламан, Луиза. Шунинг учун бунақа гапларни айтяпсан. Мен ундан менга турмушга чиқишини ўзим сўрадим. Ва то рози бўлмагунича қўймайман.

– Бироқ у сенга эрга тегишга рози бўлмайди, Филипп, – деди Луиза ва ғамгин кулимсиради. – Сен унинг қўлига эгалик ҳуқуқини берувчи ҳужжатни топширишинг билан отамнинг ёнига келди. У «Ҳақиқатан ҳам энди ҳамма мол-мулк мениким», деб сўради. Отам, «Ҳа бу ҳақиқат. Фақат агар яна эрга тегсангиз, қайтадан ҳамма нарсадан маҳрум бўласиз», деб огоҳлантирди. У эса, «Менинг эрга тегиш ниятим мутлақо йўқ», деб жавоб берди.

– Бироқ у менга эрга тегса, ҳеч нарса йўқотмайди, – дедим.

— Агар у сенга эрга тегса, Италияга қайтолмайди, пулларини Италияга жўнатолмайди, пулни эса бу уй-жойларга сарфлашни истамайди. Унинг мақсади Италияга қайтиб бориш, — деди Луиза мен уни тушунишни истамаганимдан хафа бўлиб.

— Майли, мен борай энди, — деди Луиза бироз сукутдан кейин, — сенинг бундай хато қилаётганингни кўриш мен учун ниҳоятда оғир... Афсусдаман...

Мен уйга қараб от солганимда кучли ёмғир қуя бошлаган эди.

Уйга ниҳоятда совқотиб, уст-бошим жиққа ҳўл бўлиб кириб келганимда хонамда Рейчелдан мактуб турарди. Хатни очдим.

«Мен Мэри Паскоудан бизникига келиб яшашини илтимос қилдим. Энди сиз билан бир уйда ёлғиз қолишни истамайман.

Рейчел».

Мэри Паскоу? Дорихона эгасининг қизи? Бу қизнинг кўриниши жуда қўпол ва бесўнақай бўлиб, ўзи ҳам ғалатироқ эди. Рейчел иккаламиз неча марта устидан кулиб ўтирганмиз. Энди шу қиз бизникида яшайдими? Одамнинг ишонгиси келмайди. Бироқ бу ҳақиқат эди.

Биз Рейчел билан ёлғиз қолдик дегунча у пайдо бўлар, бу мени ундан янада қаттиқроқ нафратлантирар эди.

Э, Худойим, қайси гуноҳим учун мени бундай жазога маҳкум этдинг?!

Кечки таомни тановул қилиб турган жойимда бирдан мазам қочди. Ўрнимдан туриб хонамга чиқдим-да, ўзимни каравотга ташладим. Кўрпага ўраниб олганимга қарамай, танам музлаб борар, дағ-дағ титрар эдим. Мен, Рейчел ёнимга келади, деб умид қилдим. Бироқ у келмади.

Тонг отгач ўрнимдан туриб, кўйлагимни киймоқчи бўлдим. Бироқ туришга мадорим етмади. Бўйним ва елкаларим қотиб қолган, бошим қаттиқ оғрир эди. Зўрға овозим чиқиб, Секомбни чақирдим. У кириб келиб менга бирпас қараб турди ва шошилиб чиқиб кетди. Бироздан сўнг Рейчел кириб келди. Негадир унинг ранги оқариб кетган эди.

– Мен сиздан хафа эмасман, Рейчел. Фақат Мэри Паскоуни уйдан кеткизиб юборинг, – дедим унга қараб.

– Жим ётинг, Филипп. Гапирманг, чарчаб қоласиз.

Кейин яна кўз ўнгим қоронғилашиб кетди. Шифокор келганини эса зўрға пайқадим. Мен яна аввал қизиб кетдим, сўнг яна бутун танам музлаб, титрай бошладим. Ҳушимни йўқотиб қўймасликка тиришиб Рейчелни чақирдим. У келиб ёнимга ўтиргач, қўлларимни ушлади ва «Мен ёнингиздаман, Филипп», деди. Яна кўзларимни беҳол юмдим.

Ўзимга келганимда хонам ёруғ ва иссиққина туйилди.

Мен қанча вақт яна беҳуш ётганимни билмас эдим. Каравотим ёнида эса Рейчел ўтирарди. Мен қўлларимни кўтариб юзимга теккиздим.

– Худди қишни ер остидаги уясида ўтказган айиққа ўхшайман, – дедим ва Рейчелга қараб жилмайдим.

Рейчел ўзи шифобахш ўсимликлардан тайёрлаган қайнатмани бошимни кўтариб менга ичкиза бошлади.

– Сиз Мэри Паскоуни жўнатиб юбордингизми, – деб сўрадим Рейчелдан.

У менга ҳайрон бўлиб қаради.

– Жўнатиб юборганимга беш ҳафтадан ошди. Сиз шу қадар оғир ётдингизки, жон таслим қилишингизга бир бахя қолди. Докторлар ҳеч қандай ёрдам бера олмадилар. Организмингиз кучлилиги ва менинг шифобахш қайнатмаларим сизни ҳаётга қайтарди.

Мен унинг қўлларидан тутганча ҳамон беҳол ётардим. Бирор сўз дея олмадим. Орадан беш ҳафтадан кўп вақт ўтибди. Бу орада нималар бўлганини на билардим, на эслай олардим. Фақат туғилган кунимга ўтар кечасини Рейчелнинг қучоғида ўтказганим эсимда эди, холос! Биз бу тунни ҳаммадан сир сақлаётган эдик. Энди, орадан икки ой ўтиб кетгач, Рейчел билан ҳаммаси ҳақида гаплашиб олишимиз керак.

Мен ўрнимдан туришга ҳам ҳолим келмай, яна бир неча кун тўшақда ётиб қолдим. Ҳаво кундан кун исиб, яхши бўлиб борган сари мен ҳам қувватга кириб, боққа ўзим чиқа оладиган бўлдим. Бетоб пайтимда ҳам боғда ишлаётган ишчилар кўриниб турарди. Улар ерни чуқур қазиб, остини ҳовуз,

устида баланд суғориладиган осма боғ қилиш ҳаракатида эдилар. Бироқ ҳали дарахтлар ва гуллар экилмаган, осма боғнинг кўприксимон асоси тайёр эмас, ҳовуз ҳам ҳали сув тўлдирса бўладиган ҳолатда эмас, иш давом этарди.

Боғда Рейчел эккан лабурнум дарахти сап-сарик бўлиб гуллаган, остига ҳайвон еса ҳам, одамнинг ичига тушса ҳам заҳарлаб ўлдирадиган донлари тўкилиб ётарди.

Шунда Сангалеттидаги Амброузнинг хонаси деразасидан кўриниб турган фаввора, ёнидаги донлари ерга тўкилиб ётган заҳарли лабурнум дарахти ёдимга тушди. Шу куни кечқурун Рейчел билан тизана ичиб ўтирарканмиз, мен унга қараб:

– Секомбдан сизни яқин орада Флоренцияга кетмоқчи, деб эшитдим. У ёқда нима қиласиз? Сангалетти вилласини сотиб келишга қарор қилдингизми, – дедим.

– Йўқ. Энди сотмайман. Энди бу виллани сотмай, сақлаб қола оламан. Чунки энди пулим етарли даражада кўп. Флоренцияга бориб, қишни ўша ерда ўтказаман. Баҳорда сиз Сангалеттига меҳмонга келасиз, – деб жавоб берди.

– Меҳмонга бораман? Бу нима деганингиз? Эр-хотин ҳаминиша бирга яшаши керак эмасми?

Ҳа, биз мен тузалгандан буён эр-хотиндек, бирга яшаётган эдик.

Рейчел анча вақт жим ўтирди.

Кейин менга қараб паст овозда деди:

Дафна дю Морье

– Қанақа эр-хотин? Нималар деяпсиз? Э, Худойим-ей, бизнинг эр-хотин эмаслигимизни қачон тушунасиз, Филипп?

– Бироқ биз... Бирга яшаяпмиз-ку!

Шундай деганимни биламан, яна бошимда қаттиқ оғриқ турди. Ва мен бизнинг эр-хотинлигимиз хаёлимда кечаётган орзу аралаш алаҳсираш бўлса керак, деб ўйладим.

– Нега менинг ўлиб кетишимга йўл қўймадингиз? Мен бу ерда бир ўзим қолишни истамайман! Мен сенсиз яшашни истамайман, Рейчел! – Шундай деб унинг кўзларига қарадим. – Менга яна бир неча ҳафта вақт бер, Рейчел! Атиги бир неча ҳафта!

У жавобан ҳеч нарса демади.



Ұн тўртинчи қисм

Ҳақиқат қаерда?

Ёз ҳам келди. Рейчел жўнаб кетиш ҳақида қайтиб оғиз очмади. Мен ҳам анча қувватга кириб қолдим. Бироқ баъзан ўша қаттиқ бош оғриқ қайтар, шундай пайтда эсим оғиб, руҳий хастага ўхшаб қолардим. Аммо бош оғриғи қайтган пайтини Рейчелга айтмас эдим. Шу кунларда Рейчел шаҳарга ҳафтасига икки-уч марта қатнайдиган бўлиб қолди. Мен ундан нега шаҳарга қатнаб қолганини сўраганимда, «Молиявий ишларим билан боғлиқ юмушлар кўпайиб кетди. Шу масалаларни ҳал қилиб юрибман», деб жавоб берди.

Якшанба куни Рейчел боғдаги ишлар билан банд пайтида бир ўзим шаҳар айланишга кетдим. Кўчалар дам олиш куни сайр қилиб юрган одамларга тўла эди. Мен ҳам шаҳар оралаб айланиб юравердим. Бир пайт шаҳар четидagi камтарона меҳмонхона эшигидан чиқиб келаётган киши кўзимга таниш туйилди. У йўлга чиқиб, атрофга диққат билан қараб олди-да, катта кўча томон юриб кетди. Бу одам Райналди эди. Шу куни кечки овқатдан кейин Рейчел ўрни-

Дафна дю Морье

дан туриб, хонаси томон кетаётган эди, мен уни тўхтатдим.

– Райналди шаҳарда яна қанча вақт бўлади? Умуман, ўзи у бу ёқларда нима қилиб юрибди, – деб сўрадим дабдурустан.

– Райналди – менинг дўстим. У сиз уни ёмон кўришингизни ва бу ерга келишини истамаслигингизни жуда яхши билади. Амброуз мени ундан рашк қилиб, жонимга тегарди. Энди сиз бошладингиз.

– Ҳа, мен сизни ундан рашк қиламан. Чунки у сизни севади. Айтинг, у бу ердан кетсин!

– Бекорларни айтибсиз! У менга керак. Мен уни истаганимча шаҳарда қолдираман. Истасам, шу ерга келиб яшайди. Бу уй меники эканлиги эсингиздан чиқмасин!

Жаҳлим чиқиб югуриб бориб қўлидан маҳкам ушладим.

– Тегманг менга! Мен Амброуз берган азобларга чидаганим ҳам етади. Яна қайтадан изтироб чекишни истамайман!

У мени силтаб ташлади. Унинг қўлини қўйиб юбордим.

– Шаҳарда махфий учрашиб юрманг. Айтинг, ишларингиз битгунча келиб шу ерда турсин, – дедим.

Шундай қилиб, Райналди яна бизникида яшай бошлади. У ўзини жуда сипо ва одобли тутар, аммо уларни бирга кўришга тоқатим йўқ эди. Улар доимо итальянча сўзлашишар, Рейчел гаплашганда

унинг кўзларидан кўзини узмас, нигоҳида фақат ўзлари биладиган қандайдир сир бордай эди, назаримда.

Ейдиган таомларим ҳам бемаза туйилар, ҳаётимдаги хотиржамлик аллақачон тугаган эди. Кечқурунлари бирга ўтириб ичиладиган тизана ҳам кундан кунга аччиқроқ бўлиб борарди. Кейин яна қаттиқ иситма тутишлар қайтди. Мен яна жуда кучсиз ва беҳол бўлиб қолдим. Яна бир неча кун тўшакдан тура олмадим. Яна бироз ўзимга келгач, Рейчел Райналди Италияга жўнаб кетганини айтди.

– Ўзингиз Италияга қачон кетмоқчисиз, – деб сўрадим.

Рейчел жавоб қайтармади. Орадан икки уч кун ўтгач, Рейчел билан тизана ичиб ўтирар эканман, унинг столида Райналдидан келган янги мактубга кўзим тушиб қолди. Хаёлимдан бу ишқий мактуб бўлса керак, деган фикр кечди. Шундайми йўқми, билиб олишга қарор қилдим. Рейчел ётоқхонасига кириб кетгач, хат турган хонага секингина, сездирмай кирдим. Хат боя кўзим тушган жойда йўқ эди. Мен шкафларнинг тортмаларини жуда эҳтиёткорлик билан очиб қарай бошладим. Кутилмаганда кичкинагина қоғоз халтача топиб олдим. Халтача лабурнум дарахтининг пишиб етилган донларига тўла эди. Бу дарахтнинг пишиб етилган донлари сувга солиб қайнатиб берилса, одамни ҳам, ҳайвонни ҳам сўзсиз ўлдирадиган даражада заҳарли эканлигини билардим. Мен

Дафна дю Морье

топган нарсамни жойига қўйиб хонамга қайтиб кирдим. Каравотим ёнида Рейчел ўсимликлардан мен учун тайёрлаган икки шиша қайнатма турарди. Иккаласини ҳам деразадан ташқарига тўкиб, жойига қўйдим. Кейин пастга овқатландиган хонамизга тушдим. Кечки пайт биз тизана ичган идишлар ҳали ювилмаган экан, секин иккала идишга ҳам тилимни теккизиб кўрдим. Сезишимча, биттасининг таъми бошқачароқ эди. Ё менга шундай туйилдими? Қайтиб бориб каравотимга ётдим. Бироқ ҳар хил оғир хаёллардан қийналиб ухлай олмадим. Мен хафа эдим, десам, ҳеч нарса демаган бўламан, мен шу тобда ўзимни ниҳоятда бахтиқаро ҳис қилдим. Қулоғим остида Амброуз ёзган мактубдаги сўзлар жаранглади:

«Улар мени аста-секин заҳарлашяпти. Рейчел менинг устимдан галаба қозонди. Мен ўлим арафасидаман...»

Эртанги кун шанба эди. Рейчел иккаламиз одатдагидай, черковга – ибодат қилишга бордик. Ёнимда туриб ибодат қилаётган Рейчелга секин назар солдим. Унинг юзида хотиржамлик ва бахтиёрлик ифодаси мужассам эди. Ақлим билан ундан қаттиқ нафратланишимни ҳис қилдим, бироқ юрагим барибир уни дер, мен бу аёлни ҳеч нарсага қарамасдан ҳамон севишимга амин эдим.

Черковдан қайтганимиздан сўнг Рейчел Мэри Паскоу билан суҳбатлашиш учун дорихона эга-

сининг уйига кетди. Бир ўзим боғда айланиб юрган эдим, ишчилардан бири ёнимга келиб, мени огоҳлантирмоқчи эканлигини билдирди:

– Мени кечирасиз, жаноб, сизни огоҳлантирмоқчи эдим. Осма боғ учун мўлжалланган кўприк устига мабодо кўтарилманг, биз баъзи нарсаларни қайта мустаҳкамлаш учун тагидаги устунларни чиқариб қўйдик, – деди. – Устига чиққан одам йиқилиб тушиб, белини синдириб олиши ҳеч гап эмас. Бугуноқ жойига мустаҳкам қилиб қўймоқчи эдик, улгурмадик. Қоронғи тушиб қолди. Энди эрта тонгдаёқ ишга киришамиз. Фақат бир кеча устига чиқилмаса бўлди, – деди.

– Хўп, огоҳлантирганингиз учун раҳмат, эсимда туради, – дедим.

Кечки овқат пайтида Рейчел кутилмаганда ўзини жуда хушмуомала тутиб, меҳрибончиликлар қилди. Флоренция ҳақида ҳам гапирди. Яна осма боғ ўртасига қуриладиган фаввора учун ҳайкал ясатмоқчи эканлигини айтиб, йўниш осон бўлган, бироқ мустаҳкам тош қидираётганини айтди. Сўнг ўрнидан туриб менга тизана тайёрлади. Узатаётиб, ёқимли жилмайди:

– Бу сизга, Филипп, – деди мулозамат билан.

– Ичмайман, ўзингиз ичаверинг, – дедим қўлини қайтариб.

– Бу танангизга қувват бўлади, – деб яна ичишга мажбур қилди.

Аммо ичимда энди у тайёрлаган ҳеч нарсани ичмасликка қарор қилган эдим, яна «Ўзингиз ичаверинг, ичмайман», дея такрорладим.

Дафна дю Морье

– Мен ўзимникини аллақачон ичганман, – деди жавобан.

Биз яна ярим соатча суҳбатлашиб ўтирдик. У ҳамон тизанани ичишга мажбурларди. Охири тоқати тугаб, ўрнидан турди.

– Мен бироз боғда сайр қилмоқчиман. Бориб қарай-чи, осма боғимизда ишлар қай аҳволда экан. Бугун боққа қарамадим. Мен билан сайрга чиқасизми, Филипп, – деди Рейчел.

Мен бошимни чайқадим:

– Йўқ, Рейчел. Ҳолим йўқ. Мен бориб ётаман. Ўзингиз айланиб келаверинг.

Мен ўз хонамга чиқиб, дераза ёнига бориб ўтирдим. Орадан бирор соат вақт ўтди ҳамки, Рейчел қайтмади. Бирдан ишчининг осма боғ ҳақидаги гаплари эсимга тушиб қолди. Зиналардан отилиб туша бошладим. Ва уйдан чиқиб, қурилаётган осма боғ томон югурдим.

Не кўз билан кўрайки, шундай бақувват қилиб қурилаётган осма боғ қийшайиб турар, ҳали сув қуйилмаган, қарийб ўн метрлик чуқур тубида Рейчел ётарди. Чуқур қирғоқларига тирмашиб, пастга отилдим. Югуриб Рейчелнинг ёнига келиб қўлларини қўлимга олдим. Унинг қўллари музлай бошлаган эди.

– Рейчел, – дедим. – Рейчел, кўзингизни очинг!

Кўзларини очиб менга тикилди. Менлигимни билди, демак, қаттиқ йиқилмаган, тузалиб кетади, деб умид қилдим ҳамон қўлларини тутиб турар эканман. Менга бироз қараб тургач, Амброуз, деб

шивирлади ва жони узилди. Мен унинг совуқ қўллари-дан тутганча қолавердим...

...Мана, Рейчелнинг ўлими тафсилотини билиб олдингиз.

Амброуз-чи? У нега ўлган эди? У ҳам ўлдирилганмиди? Уни Рейчел ўлдирганмиди? Ўша боғдаги лабурнум дарахти ёки Рейчел ўз қўли билан тайёрлайдиган тизанада қандайдир сир бормиди?

Менимча, бу саволлар то тирик эканман, мени қийнайди.

Энди яна ёлғиз яшаяпман. Мен севган икки киши ҳам шу тарзда ҳаётдан кўз юмди. Менга келажак ҳаётим бўм-бўш, шодликларсиз кечадигандай туйиляпти.

Бу ёлғизликка маҳкум қора кунлар менга тақдирнинг ўзим англамаган гуноҳим учун берилган жазоси бўлиб, назаримда, у ўлимдан ҳам оғир эди...

ТАМОМ

Мазкур китобни нашр этиш ҳуқуқи
нашриёт ва таржимон/муаллиф ўртасида-
ги шартномага асосан тўлалигича
«Янги аср авлоди»га тегишли.
Муаллифлик ҳуқуқи бузилган тақдирда
ҳуқуқбузар Ўзбекистон Республикаси
Қонунчилиги доирасида
жавобгарликка тортилади.

Адабий-бадий нашр

ДАФНА ДЮ МОРЬЕ

РЕЙЧЕЛ

Роман

Муҳаррир

Феруза ҚУВОНОВА

Бадий муҳаррир

Дилфуза САЛИХОДЖАЕВА

Компьютерда саҳифаловчи

Дилдора ЖЎРАБЕКОВА

Техник муҳаррир

Сурайё АҲМЕДОВА

Лицензия рақами: АИ № 252. 02.10.2014 да берилган.

Босишга 16.02.2022 йилда рухсат этилди.

Бичими 84x108 1/32.

Гарнитура «Bookman Old Style». Офсет қоғози.

Босма табоғи 3,0. Шартли босма табоғи 5,04.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 13.

Баҳоси келишилган нарҳда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

«Ёшлар матбуоти» МЧЖда чоп этилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.

Мурожаат учун телефонлар:

Нашр бўлими – (78) 147-00-14; (78) 129-09-72.

Маркетинг бўлими – (98) 128-78-43.

Факс – (71) 273-00-14;

email: yangiasravlodi@mail.ru

12.6
A

**«Ёшлар матбуоти» МЧЖ ва «Янги аср авлоди»
нашриёт матбаа-марказининг фаол
ҳамкорлари манзиллари**

1. «Book.uz» китоб дўкони. Тел.: 99-891-03-24.
1000113. Тошкент ш. Чилонзор-8, Қатортол кўчаси-60.
2. «Ўздавкитобсавдо». Тел.: 93-550-55-90.
 - а) Тошкент ш. Навоий кўчаси, 30-уй.
 - б) Тошкент вил. Бекобод ш. Металлургия заводи ёнида.
3. «Истиқлол барака». Тел.: 99-871-78-85.
Тошкент ш. Юнусобод тумани. Мўлжал: Унверсам, Аҳмад Дониш, Амир Темур ва Муродова кўчалари кесишувида.
4. «Ҳилол» нашриёти. Тел.: 91-192-00-40. Тошкент ш. Чилонзор тумани. Сўгалли ота кўчаси, 5.
5. «Андижон Канс». Тел.: 90-258-24-79
Андижон вил. Андижон ш. Истиқлол кўчаси, 8-уй.
Мўлжал: Бобур Ҳайкалининг орқа ён томонидаги сайилгоҳда.
6. «VENET» МЧЖ. Тел.: 91-600-90-36, 97-472-94-97.
Андижон вил. а) Андижон ш. Истиқлол кўчаси, 9-уй. Мўлжал: Бобур Ҳайкалининг орқа ён томонидаги сайилгоҳда. б) Андижон ш. Мустақиллик кўчаси, 10-уй.
7. «Жет иқлим» МЧЖ (Нукус) Тел.: 90-652-40-92.
Қорақалпоғистон Республикаси, Нукус шаҳар, Ипак йўли кўчасидаги китоб дўкони. Мўлжал: Са-вицкий музейи ёнида.
8. Самарқанд «Гулобод савдо». Тел.: 97-911-87-69.
Самарқанд шаҳар. Абдураҳмон Жомий кўчаси, 52.
9. «SHERZOD STATIONERY» МЧЖ. Тел.: 91-532-72-72. Самарқанд вил. Самарқанд шаҳар. Мармар бозори, Мўлжал: Бош Марказий дўкон (ГУМ). рўпарасидаги китоб дўкони.

10. «Қутлуғ қадам» МЧЖ Тел.: 97-222-00-11.

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Ислон Каримов кўчаси, 245/1-уй. Мўлжал: «Атлас» савдо маркази ёнида.

11. «Фарғона китоблар олами» МЧЖ. Фарғона вилояти, Фарғона шаҳар, Каштанзор кўчаси, 7А-уй, Тел.: 95-400-78-79.

12. «Бухоро китоб олами» (Белый лист) Тел.: 97-238-03-05.

Бухоро вилояти Бухоро шаҳри Алишер Навоий шоҳкўчаси, 5-уй. Тел.: 65-223-51-84.

13. «Гранд Тред». Тел.: 90-392-46-53.

Қашқадарё вил. Қарши шаҳар. Ислон Каримов кўчаси, 15-уй. Телефон: 75 -223-23-34.

14. «Илм нури» МЧЖ. Тел.: 91-258-91-71.

Қорақалпоғистон Республикаси Тўрткўл тумани, Нукус кўчаси, 10-уй, китоб дўкони. Тел.: 94-909-40-04.

15. «Илҳом» хусусий фирма. Тошкент вилояти (дўкон Сурхондарёда). Тел.: 99-632-55-24.

Сурхондарё вилояти Узун тумани Ўзбекистон шоҳкўчаси. «Китоб олами» китоб дўкони. Мўлжал: «Ислонбек» ресторани. Тел.: 91-514-17-71.

16. «Қашқадарё китоб олами» МЧЖ. Тел.: 93-422-57-57, 91-461-97-77.

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар Ўзбекистон кўчаси, «Қашқадарё китоб олами» китоб дўкони. Мўлжал: Амир Темур чорраҳасида.

17. «Узоқ бобо» фирма. Тел.: 91-471-21-55.

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳар. Ислон Каримов кўчаси, «Узоқ бобо» китоб дўкони.

18. ЯТТ «Эшонқулов». Тел.: 93-242-77-75.

Қашқадарё вилояти Қарши шаҳри Амир Темур кўчаси (Педогогика коллежи ёнидаги китоб дўкони). Тел.: 97-200-37-75.

Дарна дю Морье

РЕЙЧЕЛ

Ёлғизликка маҳкум қора кунлар
менга тақдирнинг ўзим англамаган
гуноҳим учун берилган жазоси бўлиб,
назаримда, у ўлимдан ҳам оғир эди...



www.book.uz

ISBN 978-9943-20-923-7



9 789943 209237